



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## Янги йил - Янги аср барчамизга муворак бўлсин...

*Ҳеч шубҳасизки, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тadbиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшайтган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.*

*Янги асрнинг биринчи йилини «Оналар ва болалар йили» деб атаб, Янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари - фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустақкам қарор топаётганининг тасдиғидир.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВнинг "Ўзбекистон  
халқига Янги йил табриғи"дан



## ҲУНАРДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Юртимизда мустақиллик йилларида миллий хунармандчиликка эътибор кучайтирилди. Бўстонлик туманидаги Чорбоғ кўрғонида яшайдиган Қуддуса Эшонхўжаева ҳали жуда ёшлигиданоқ онаси Ойимсарахон аядан чеварлик сир-асрорларини ўрганди. "Қиз бола эртага турмушга чиққанидан кейин уйда болалари билан ўтириб ҳам чеварлик қилиб рўзгорини эплаштириши мумкин", - дер эди Ойимсарахон ая.

Аясининг сўзлари нақадар тўғри эканлигини Қуддуса опа турмушга чиқиб оилали бўлгандагина тушунди. Иқтисодчилик касбига ишлаб юрдию, фарзандлари туғилгач уйда ўтириб қолди. Шунда ёшлиқда ўрганган хунари - чеварликни бошлади. Аввалига ёш қизалоқларнинг кўйлагини тикди. Сал ўтмай кўли гул бу чеварга либослар тиктириш учун олислардан уни дарақлаб кела бошладилар. Кейинчалик ёш ўсмир қизларни оналари етаклаб шогирдликка олиб кела бошлади: Эри Азамат ака мебел ясашни йўлга қўйди. Қуддуса опанинг уйи шогирдлари билан янада гавжумлашди. Шогирд қизлари билан биринчи марта "Ташаббус -98" танловида қатнашди. Натижа яхши бўлди. Бундан рухланган Қуддуса опа ўз фаолиятини кенгайтиришни режалаштира бошлади. Бўстонлик тумани ҳокимиятининг ёрдами билан давлатдан бир йилда 12 фоиз тўлаш шarti билан бир миллион сўмлик кредит олди. Мақсади шогирд қизларига алоҳида бир устaxonа очиш эди. Уч хонали бир уйни олиб устaxonа учун зарур бўлган жиҳозлар билан жиҳозлади. Энди-

ликда сафи анча кенгайган қизлари билан дўппичилик, зардўзлик, аёлларнинг замонавий ва бежирим кийимларини тикишни ўрганишмоқда.

Янги йилнинг илк кунларидан биринчи Қуддуса опа оиласида бўлиб, у билан сўхбатлашдик:

- Янги асримизнинг биринчи йили «Оналар ва болалар йили» деб аталишидан жуда қувондим. Кунни кеча юртбошимиз Янги йил билан халқимизни қутлади. «Тadbиркорлар ва ишбилармонлар учун, изланиб яшайтган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароитлар яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди», деган сўзлари бир ғайратимга ўн ғайрат қўшиб юборди.

Менинг 2001 йилдаги эзгу ниятларимдан бири - Бўстонлик туманида дўппидўзликнинг ўзига хос услубини яратиш. Шу мақсадда ўтган йили кизим Наврўзани дўппичиликнинг нозик сирларини мукамал ўргансин, деб Андижонга юборгандим. Хозир гулдек хунар эгаси бўлиб қайтди. Ўғлим Аъзамжон ҳам мебелчилик хунарини ўрганапти. Ҳали амалга оширадиган ишларим жуда кўп. Аввало "Хунарманд қизлар мактаби"ни очмоқчимиз.

Булардан ташқари Республикамиздаги "Тadbиркор аёл" ассоциациясида ёш тadbиркор аёлларимиз учун ташкил этилган ўқувларда "Тadbиркорлик асослари ва кичик бизнесни бошқариш" фанидан дарс ҳам бераман.

Басира САЙИДАЛИЕВА,  
Лола АҲМЕДОВА

## ҲАЁТ, МЕҲНАТ, БАҲТИЁРЛИК НАВОЛАРИ ЯНГРАЙВЕРСИН...



Ўтган йили Президентимиз томонидан ўз санъати, ижро маҳорати билан кишилар қалбига йўл топа олган, эзгуликка чорловчи асарлар яратишда фаол иштирок этаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рафбатлантириш мақсадида "Ниҳол" мукофоти таъсис этилган эди. "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлганлар орасида сизга ўз санъати билан таниш "Хўжа" гуруҳи хонандаси Иззат Иброҳимов ҳам бор.

- Ёшлигимдан санъатга ишқим тушган, - дейди Иззат Иброҳимов. - Шу кизиқиш мени эстрада оламига етаклади. Менга берилган соврин нафақат ўзимнинг, балки бутун гуруҳимиз меҳнати самараси, қолаверса, оналаримиз дуосининг ихобати, деб биламан. Олдимизда эса қанча меҳнат, ижод йўли турибди. Юртбошимизнинг юксак ишончи, эътибори, ғамхўрлиги биз, ёш

санъаткорларни меҳнатга, ижодий изланишларга чорлайди.

- Санъатнинг довонини босиб ўтиш осон эмас, - дейди биз билан сўхбатда хонанданинг волидаи муҳтарамаси Мунира ая. - Халқнинг кўнглига йўл топиш, мухлислар "тили"га тушиш учун озмунча меҳнат керакми? Ўғлимнинг совриндор бўлиши унинг зиммасига янада улкан масъулият юклади. Ўғлим билан фахрланаман. Бундай хузурбахш туйғу XXI асрда барча ўзбек оналарига насиб этишни чин дилдан истаб қоламан. Юртимиз узра ҳаёт, меҳнат, бахтиёрлик куй-кўшиқлари баланд пардаларда янграйверсин.

**СУВРАТДА: "Ниҳол" мукофоти совриндори Иззат Иброҳимов онаси Мунира ая, рафикаси Нилуфархон ва қизалоғи Мадина билан.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.**

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақидаги Карори доирасида яқинда Тошкентдаги 97-мактабда Республика болалар жамғармаси ташаббуси билан шифокорлар, психологлар ва педагоглар ҳамкорлигида болалар тарбиясига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман ниҳоясида унинг иштирокчилари фикри билан қизикдик.**

**Инқилоб ЮСУПОВА, Республика Болалар жамғармаси раиси:** - Ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминланишни доимий назорат қилиш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган. Биз баъзида ўз фарзандларимизга ҳам етарлича эътибор бера олмаيمиз. Бошқа ишлар, юмушлар билан банд бўламиз. Баъзи болаларда салбий ўзгариш содир бўлади, тарбияга бўйсунмай қолади. Хуфёна чекади, спиртли ичимликларни тотиб кўради, хатто гийҳванд моддаларга ўرғана бошлайди. Келажақ ҳақида бугун ўйламасак, эртага кеч бўлади.

Болаларимиз катта бўлишни, катта одамлардек мустақил бўлишни орзу қилишади. Улардаги ҳар бир ўзгаришни назардан қочирмаган ҳолда бақир-чақир, дўқ-пўписасиз, сирдош бўлиб вазиятлар ечимини топишга уринайлик. Оила даврасида ҳам, жамоат жойларида ҳам ёш авлод тарбиясига масъулият билан ёндошайлик. Болалар - ахборот ташувчилардир. Уларни тарбиялашда айнан шу хусусиятдан унумли фойдаланайлик.

**Ирина Савельева, Олий Мажлисида инсон ҳуқуқлари комиссиясининг аъзоси, Республика болалар руҳий касалликлари шифохонасининг бош шифокори:** - Соғлом авлодни вояга етказиш умумий мақсадиимиз, фарзандларимиз руҳий ва тиббий соғлом бўлмас эканлар, олиб бораётган ҳар қандай ишимизнинг самараси барбод бўлади. Биз психологлар, педагоглар билан ҳамкорликда нобоп оилаларда вояга етаётганларни, тарбияси оғир деб ҳисобланган, руҳияти оқсаган ноғирон-

ганликларини ҳам кузатдик. 2 та бола ота-онасидан, 6 та бола ўқитувчилардан, 42 та бола эса тенгдошларидан баъзи маълумотларни эшитганликларини айтдилар. 31 та бола эса ушбу касаллик тўғрисида умуман ҳеч нарса билмасликларига иқдор бўлдилар. Бундай кузатишлардан шу маълум бўлдики, биз катталар болалардан кўп нарсани яшириб, оқибатда уларнинг ўзга таъсир доирасига тушиб қолишларига сабабчи бўлиб қоларканмиз. Болаларни тарбиясизлиги, бўйсунмаслигини таъкидлаш билан чегараланмай, балки боладаги ҳар бир ўзгаришга мутаносиб ҳолда шифокорларнинг, психологларнинг ва педагогнинг тезкор маслаҳати, амалий тадбири зарур. Олдимизда турган вазифаларимиздан бири ота-оналар қўлига ана шундай маслаҳатлардан иборат қўлланмани тайёрлаб бериш.



**Республика Болалар жамғармаси фаолиятдан**

ларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқаямиз. Бунинг учун 100 дан ортик ёшлари 8 дан 18 гача бўлган болаларни ўргандик. Болаларни билими, ёшига қараб 14 гуруҳга ажратдик. Тест саволларини аноним ҳолда топширдик. Бу синовда республиканинг турли бурчақларидаги болалар қатнашди. Миллати ва жинсини ҳисобга олмадик. Фикрлаш даражасини аниқловчи тест-синовда катнашган болалардан 6 таси катъий, мустақил фикрга эга бўлиб, 42 таси таъсирга берилувчан эканлиги, қолганлари эса умуман фикрлашни хохламайдиган, лоқайдлиги маълум бўлди. Асримизнинг вабоси саналмиш СПИД касаллиги тўғрисида билиш-билмаслиги ҳақида савол берилиб, ушбу касаллик ҳақида қимдан эшит-

ганликларини ҳам кузатдик. 2 та бола ота-онасидан, 6 та бола ўқитувчилардан, 42 та бола эса тенгдошларидан баъзи маълумотларни эшитганликларини айтдилар. 31 та бола эса ушбу касаллик тўғрисида умуман ҳеч нарса билмасликларига иқдор бўлдилар. Бундай кузатишлардан шу маълум бўлдики, биз катталар болалардан кўп нарсани яшириб, оқибатда уларнинг ўзга таъсир доирасига тушиб қолишларига сабабчи бўлиб қоларканмиз. Болаларни тарбиясизлиги, бўйсунмаслигини таъкидлаш билан чегараланмай, балки боладаги ҳар бир ўзгаришга мутаносиб ҳолда шифокорларнинг, психологларнинг ва педагогнинг тезкор маслаҳати, амалий тадбири зарур. Олдимизда турган вазифаларимиздан бири ота-оналар қўлига ана шундай маслаҳатлардан иборат қўлланмани тайёрлаб бериш.

**Ромида Акбарова, Яқкасарой тумани, «Ракат» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси, педагогика фанлари номзоди:** - Маҳалламизда 7,5 минг аҳоли яшайди. Маҳалламиздаги аёллар муаммоларини болалар тарбияси билан узвий бирликда тахлил қилишга, ечимини топишга уринамиз. Маҳалламиздаги болаларнинг бўш вақтини маълумли ўтказиш учун спорт ва мусика тўғрақларини ишга туширдик. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланишга тўғри келди. Биз катталар болаларга қандай муносабатда бўлсак, сабр-тоқат билан муомала қилсак, ғамхўрлик кўрсатсак, ёмон қилиқлардан асрасак, улар ҳам шунга яраша яхши ёки ёмон бўладилар. «Она замин - умумий уйимиз» мавзусида ён атрофдаги тўрт маҳалла болалари ўртасида муносабатлар ўтказдик. Фолиблар яшил ва хаворанг галстуклар билан тақдирландилар. Шу кундаги болалар қувончини кўрганми-гизда эди. Улар билан ўтган ҳар бир куним умримнинг бахтли лаҳзаларига айланди.

**Х. ТҮЙЧИЕВ**

## ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ...



**Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизга доимий қўлланишга айлантиришимиз даркор.**

**Ислом КАРИМОВ**

**«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади»** - дейилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида.

Оила қанча мустақкам бўлса жамият ҳам шунча мустақкам бўлади. Оилага ғамхўрлик қилиш ва уни муҳофазалаш эса ҳар қандай ҳуқуқий, демократик давлатга хос хусусиятдир. Оилани муҳофазалаш тушунчаси кенг қамровли бўлиб, бунда оиланинг дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати, фарзандлар тарбиясини амалга ошириш, моддий ва маънавий ҳимояни кафолатлаш каби қатор тушунча ва тадбирларни ўз ичига олади. Президентимиз томонидан 1998 йили «Оила йили» деб таърифланиши ва давлат миқёсида дастур қабул қилиб, уни амалга ошириши фикримизнинг далилидир. Ўзбекистонда 3,5 миллиондан ортик оила мавжуд бўлиб, ҳар йили 250 мингга яқин ёш оила вужудга келади.

Конституциямизнинг 63-моддаси икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмлар маъно, маънот жиҳатидан бир-бирини тўлдирди. Жумладан, 63-модданинг иккинчи қисмида никоҳнинг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр билдирилади. Дарҳақиқат оила қуриш учун икки ёш ўза-ро никоҳ аҳдида бўлишлари лозим. Никоҳ эса томонларнинг розилиги-га асосланиб, ҳуқуқлар тенглигига таяниши шарт. Шундагина оила мустақкам ва барқарор бўлади.

Никоҳ тузишда алдаш ва ёлгон ваъдаларнинг ишлатилиши келажақда никоҳни бекор қилишга олиб келади. Ўза-ро никоҳ аҳд-масида бўлган фуқароларнинг бир-ортасининг оилавий ҳуқуқи камситилиши оилани ҳақиқий эмас деб ҳулоса қилишга олиб келади. Никоҳ тузилгандан кейингина оиланинг ҳуқуқий муносабатлари юзга келади. Бу муносабатлар оила аъзоларининг бир-бирлари ва жамият олдида ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Айни вақтда бу муносабатлар жамият ва давлат томонидан муҳофазаланишига ахтиёж сезади.

Никоҳ тузилганлигини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига асосан Фуқаролик ҳолати далолатномаларида ёзиш (ФХДЁ) бўлимларидан тузилади. Борди-ю оила Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларидан расмий қайд этилмаган бўлса, эр ва хотиннинг оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам вужудга келмайди ва суд оилани никоҳсиз деб топади.

**Х. ТҮХТАМУРОД**

## ДИЙДОР КҮРИШМОҚ БОРМИ ТАҚДИРДА...



армон билан нон тишлатиб қолган Хайри хола.

Бу икки муштипар аёл бир-бирига далда бўлди, бир-бирини овутиди. Ҳадемай Мавжуда бир эмас, уч нафар жигарғушаси-Шокир, Кодир, Садир акаларини ҳам урушга жўнатиб, юраги эзилиб қолаверди...

Кизалоги кўрақдан чиқар-чикмас Мавжуда меҳнат майдонига отланди. Далада эркак зоти қолмаган, у каби жафоқаш аёллар «Темир кадам» жамоа ҳўжалигида фронт учун бугдой, шולי ўрдилар. Богда мева териб, гўза чопик қилдилар, картошка қавладилар. Пахта тердилар.

Талпинчок набирасини бағрига босганича рўзгорни умча-уч тебратиб ўтирган Хайри хола келинининг офтобда қораяган, адир шамолида қотиб-сингани юзларига қараб, юраги тўз сепгандек ачшир, яна бир хаёли фронтда жон чекиб, қон кечиб юрган ўғлида эди. Ҳа, яшаш оғир, хона-

донларда хотиржамлик йўқ эди. Лекин булар шўқ қилишар, урушнинг тезроқ туга-шини Яратгандан сўрашар эди.

Усмонали Москва остоналаридаги жанглардан, Сталинграддаги қақшатқич кураш майдонидан онаизорига, рафиқасига меҳр-муҳаббат мактубларини ёзди. Кейин эса хатлар така-тақ тўхтади. Қайнона-келин бу холини бир-бирдан яширишар, бир-бирини аяб, эртанги кундан умидвор бўлишарди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверди. Галаба

### Шундайлар бўлмаса агар дунёда...

кунлари келди. Шонли байрам! Бировнинг уйида тўй, бировнинг уйида аза. Мавжуда билан Хайри хола яна умид билан йўл пойлашди.

Фашистни Берлингача қувиб борган Садир акаси орден-медаллар тақиб, 1945 йилнинг октябрида она юртига қайтди. Қодир акаси «қора хат» олишди. Шокир акаси бир оёғини фронтга ташлаб келди. Усмоналидан эса дарак йўқ...

Не-не умидлар билан ҳарбий комиссар-атга борган Мавжудага Усмонали Икромовни «бедарак кетган», дейишди. Мавжуданинг боши айланиб кетди. Кўзларидан ёш қуйилди...

Йиллар ўтаверди. Мавжуда далада иш-лашдан ва Усмоналини қуттишдан толмади. Рихсихонни гўлдай қилиб ўстирди. Ҳамширалик ўқишини битиргач, тўй-томоша-

лар билан қўшнларининг ўғли Абдулла-жонга турмушга беришди.

Шундай қилиб, қайнона-келин элик йил бирга аҳил яшаб, қўша қарашди. Хайри хола Рихсихоннинг ўғил-қизларини, яъни эвараларини ҳам катта қилди. Уларга меҳрини берди, овунди, қувонди, тўйларини, орзу-хавасларини кўрди.

Хайри хола тўқсон ёшда Мавжудахондан минг бор рози бўлиб: «Мени деб турмуш қуролмадинг, болам», - дея минг бор уэр сўраб, бир хафта ичида Яратганга оманатини топширди.

Йигирма йилдан ортик вақт давомида бригадир, ўн йил мобайнида зиё масканида кутубхона мудири бўлиб ишлаган, захматли меҳнати учун қатор-қатор орден-медалларга сазовор бўлган Мавжуда Икромова ҳозир 82 ёшда. Қийрай тумани ҳокимлиги, барча жамоат ташкилотлари жангчи бевасини ва айниқса, жангчининг онаизорини элик йил ардоқлаган Мавжуда Икромованинг иззат-ҳурматини жойига қўядилар. Хабар олиб, тадбирларнинг тўрига тақлиф қиладилар.

Унинг шинам хонадони тўрида эса ёш, кўркам йигит - Усмонали Икромовнинг су-врати бир умр осиглик. У садақатли умр йўлдошига мана, даярли олтиш йилдан бери майин табассум билан қараб турибди, кўзларини узайди.

**Санъат МАҲМУДОВА**  
**Қийрай тумани**

## БУ ДУНЁ ЧОРАСИЗ ЭМАС...

«Оила ва жамият»нинг муҳлисларидан бири - нотаниш дўстимиз!

20 декабр куни ўзингиз севган анҳор бўйидаги ўриндиқда ўтириб бизга ёзган мактубингизни олдик. Ҳаятда қаёғули, гоятда тушкун бир ҳолатда ёзибсиз... Бугунги кунда ҳол-аҳволингиз қандай? Сал бўлса-да, ўзингизга келолдингизми? Бу ёғи бизга қоронғи. Чунки хатда ўз исмингизни ҳам, манзилингизни ҳам ёзмагансиз. Агар ёзганингизда аҳволингиздан огоҳ бўларимдик. Илоийм, соғомон бўлин-гу, газетамизни яна кўп-кўп йиллар севиб-ардоқлаб ўқиб юринг, деган тилагимиз бор. Илоийм шундай бўйсин. «Одамнинг тафтини одам олади» ва яна «Улимдан бошқа ҳамма нар-

санинг чораси бор», - дейдилар. Ҳаёт бор экан, унинг қийинчиликлари ва қувонч-лари ҳамма инсонга ҳамроҳ. «Машаққат билан эришилган бахт - ҳақиқий



бахт», - деган гап ҳам бор. Инсон ҳар лаҳза, ҳар соатда иродасини тоблаши - ўзини-ўзи тарбиялаши керак. Айниқса эркак киши... Ватан, халқ, табиятан кучли эркакларимиздан кўп нарсани кутади... Ахир, ҳар бир эр йигит «ўғил ўстирди» деб қаддини баланд тутиб юрган қайси-дир ота-онанинг кўрар кўзи, дилининг, белининг қуввати, шириндан-ширин

ўғил-қиз фарзандлар туғилиб ўсадиган бир оиланинг қўрғони, бир гўзал аёлнинг бош па-ноҳи, аждодлари руҳи кезиб юрган, авлод-ларга мерос қоладиган шу Ватан - шу тупроқ, шу осмоннинг посбони, эл-авлодининг номус-ори, қолаверса «Юртимнинг болалари - ўз болаларим», - деб хайирган Президентимизнинг кўз қароғи, қалқони бўлмоғи керак. Сиздай эр-йигитларнинг бучи унутмоққа ҳаққи йўқ... Сиз бор экансиз, куч-ироданинг пўлтайдай мустақкам экан, ҳали бу юрт - бу Ватан, бу эл саодатманд бўлмай...

Қадри дуст, имкон топиб тахририятимизга қўнғироқ қилинг ва ё бир келинг. Сувхатни яна давом эттирамиз. Янги асрда, янги йилда эзгу орзу-тилақларингиз ижобат топсин, му-род-мақсадларингизга етиб юринг деб

**Дилбар САИДОВА**

# МИЛЛАТИМ ҚИЗЛАРИ - БУҒДОЙРАНГ ҚИЗЛАР

Азим СУЮН

## МИЛЛАТИМ ҚИЗЛАРИ

Миллатим қизлари - буғдойранг қизлар, Танқирдан узилган қулчадай ширин. Сизларчи, ҳеч кимга ўшамасизлар, Бодом кўзингизда ҳаё яширин.

Миллатим қизлари - буғдойранг қизлар, Тизилиб турсиз - тоғ чечаклари. Йигитлар мақтаса уёласизлар, Уларнинг эртанги келинчақлари.

Миллатим қизлари - буғдойранг қизлар, Пари момоларин пардозин мерос. Бугун оиланинг иззатисизлар, Синчи совчиларнинг жон-дўлига мос.

Миллатим қизлари - буғдойранг қизлар, Турфа хил сатангга қўлмангиз парво. Уларнинг ҳолини билмасиз бизлар, Уларнинг тенги сиз эмассиз асло!

Миллатим қизлари - буғдойранг қизлар,



## ОНАЛАР

Қўл силкитиб қолар оналар, Хайр, десак мунис кучоқча. Қўл силкитиб толмас оналар, Биз кетар чоғ йироқ-йироқча.

Турналардек тоғлардан ошиб, Денгизлардан шошиб ўтармиз. Уфқларга аста ёндошиб, Кенгликларга сингиб кетармиз.

ОЙГУЛИМ

Ой нури - ой гули - Ойгулим менинг, Боғ кўри - булбули - Ойгулим менинг, Тоғ дури - сунбули - Ойгулим менинг, Кўзимнинг, сўзимнинг, ўзимнинг Гулим!

Олис кечаларда куйганларим чин, Илоҳий ишқ сеҳрин туйганларим чин, Ойдин овоз бўлиб суйганларим чин, Юзимнинг, кўзимнинг, ўзимнинг Гулим!

Гўзал Форнарина - Рафаэл шони, Дилбар Беатриче - Данти илҳоми. Азим Суюн жони - Ўзбекийми - Юзимнинг, тузимнинг, ўзимнинг Гулим!

Беафо санамлар - эр жонига дор, Эл ичра қилгайлар шармандаю хор. Бардавом оилам - мангу бўлди ёр - Кўзимнинг, юзимнинг, ўзимнинг Гулим!

Ой нури - ой гули - Ойгулим менинг, Боғ кўри - булбули - Ойгулим менинг, Тоғ дури - сунбули - Ойгулим менинг, Кўзимнинг, сўзимнинг, ўзимнинг Гулим!

Қўл силкитиб турар оналар, Бизлар кетган ёқларга қараб. Узун хаёл сурар оналар, Ўтган учқур дамларни санаб.

Бизлар-чи, гоҳ осмону фалак, Ўйларимиз бегона, холи. Орзулар деб жонимиз ҳалак, Ахтарамиз саодат, толеъ.

Оқ сочларин жимгина тараб, Кўзлари тўрт кутар оналар. Бизнинг кетган йўлларга қараб, Қўл силкитиб ўтар оналар...



## НАХҒРУДДА БИТТА БУЛОҚ БОР

Наҳғрудда битта булоқ бор, Мангу куйлаб ётар бахтиёр. Мухаббатим - жоним-жаҳоним, Сени олиб кетурман дилдор.

Тепасида дўлана сергак, Атрофида ўйнар капалак. Катта шаҳар гардларин қоқиб, Юзларингни чаюрсан малак.

Нималардир ўчирдим, ёздим, Ёлгонлардан нақадар бездим. Наҳғруднинг ўша булогин Дилга жойлаб дунёни кездим.

То кўрганинг бу, гуллар эмас, Манов оққан, йўк, сувлар эмас. Чакангга чин чечаклар тақиб, Ҳовуч-ховуч ичмасанг бўлмас.

Юлдузларни кўргинг яқиндан, Армон қолмас ҳар ўтган кундан. Тош ўчоқда, қора чойдишда, Чой қайнатиб берурман ундан.

Ҳаёт нима, умр завқи не, Бу дунёда яшаш шавқи не, Фақат-фақат, о мени десанг, Наҳғруднинг шу булогин сев!

Наҳғрудда битта булоқ бор, Мангу куйлаб ётар бахтиёр. Мухаббатим - жоним-жаҳоним, Сени олиб кетурман дилдор.

## БУ МАҒРУР БОШИМНИ...

Бу мағрур бошимни ҳам этмак учун, Турли-туман тўрлар тўқир гаюрлар. Кўрсатмоқ истарлар уларнинг кучин - Йўлимга пойандоз дея солурлар.

Отлари бўри-ю тулкидир, аммо, Вой-буй, булар ақли бунча этилган. Сиртмоқлар ясайдир узун ва илло - Гулчамбарлар эмиш менга аталган.

Малолсиз ўзларин ютганларининг, Бир улгиси сенга, Азим, қара, бок, Луқмаи ҳалол деб тутганларининг, Дастида турбиди ўткир тиг, қармоқ.

Кўриб кўзчил бўлдим, кўзим - тарози, Курашлар ўғлиман, одам ўғлиман. Қайдаки ҳақсизлик - ўзимман қози, Бу дунёда фақат Аллоҳ қўлиман!

ҲАМШИРА ҚИЗЛАР

Кимлар тушмас шифохонга, Бою гадо тушар, эзилар. Кириб келар шу дам хонага, Пари каби ҳамшира қизлар.

Юрак санчар, қон босим ошган, Оғри беллар, туздон тиззалар. Парвонадир қарию ёшга, Ойдай кулиб ҳамшира қизлар.

Хушрўй, хушдил, хушчирой, хушқад, Сўзларидан эриймиз бизлар. Оқ шаънига юқтирмайди гард, Она қизлар - ҳамшира қизлар.

Чопиб-елиб ўтар кунлари, Ҳақим - устоз, теран илдишлар. Аскарлардай бедор тунлари, Аскар қизлар - ҳамшира қизлар.

Эл розидир, розидир Ватан, Оқ атиргул монанди сизлар. Соғлом авлод сизларга ҳам тан, Бахт ёр бўлсин ҳамшира қизлар!

## ЎҒЛИМ КАМОЛИДДИНГА

Кенжа фарзанд оиланинг боли эмиш, Ака, опа - барчасининг эли эмиш. Отасига, онасига балоғардон, Иккаласин юрагининг ёли эмиш.

Камолитдин, ўғлим, бу кун умидимсан, Гарчи кенжам, аммо-лекин "тўнғич"имсан. Бир кун келиб белларимдан қувват кетар, О, ўшанда куч-қўримсан, ўзгичимсан.

Бир олис гап: яралибди дунёи дун, Кимки агар оиласин билса қадрин. Иморатнинг таянч-пойдор устунидек, Кўтаргайдир ўша Ватан, Миллат қадрин!



## ФАРД

Тор бўлса ҳам ўз қулбанг бўлмаса агар, Дунё кенглигидан не фойда, жигар?!

## ТУЮҚ

Гар ўртада бўлмаса бурун, Кўзни ўяр кўз элдан бурун. Бу ҳикматни оқилу доно Айтиб кетмиш бурундан бурун.



Суратда: Азим СУЮН оиласи билан.

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Наманганлик З.Одилованинг хатидан:

"Турмушининг майда-чуйда муаммолари кўп экан. Эрим билан беш йилча бирга яшаб, тўстодан ажрашадиган бўлиб қолдик. Ажримдан сўнг эса ўртамакдаги мол-мулкни тақсимлашга келганда жанжал кучайиб кетди. Сабаби, ўтган йиллар ичда эру-хотин бир жойда хусусий дўкон очгандик. Уни жиҳозлаб, икки-уч йилча савдо-сотқ ишларини юритдик. Ана шу дўкондан келган фойда ҳамда ўртадаги сарф-харажатлар энди ишимизни мушкуллаштирмоқда. Яқинда ҳамкасб дўгоналаримдан бири:

"Агар бошида никоҳ шартномаси тузилганларда эди, бунчалик қийналмаган бўлардинглар", - деди. Мен бу ҳақда илгари ҳеч эшитмагандим. Никоҳ шартномаси қай пайтда, нималарга асосан тузилади? У қачонгача давом этади? Бу ҳақда қонуналаримизда нима дейилганини жуда билгимиз келарди..."

Оила кодексининг "Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби" деб номланган махсус бобида "Никоҳ шартномасини тузиш"га оид 30-модда бор. Унга кўра, никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ дав-

рида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига



олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномасининг мазмуни белгиланган 31-моддада эса шундай дейилади: «...Эр-хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш,

бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартнома-лар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли». Бундан ташқари, ушбу бобнинг 32-моддасида: "Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан ишталган вақтда ўзгартирилиши

ёки бекор қилиниши мумкин... никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди", - дея кўрсатиб ўтилган. Оилавий турмушнинг ўзига хос мажбуриятлари борки, булар Оила кодексимизда бобма-боб, бандма-банд айтилган. Хўш, турмуш муаммоларини қандай ҳал этиш зарур? Бунинг учун эркак ҳам, аёл ҳам оилага оид бўлган жамийи қонун-қоидаларни яхши билишлари лозим. Ўз буларларимизни тўғри англаш ҳуқуқий саводхонлигимизни ошириш билан боғлиқ эканини унутмайлик.

Г. ЖАМИЛОВА

...Мени янгийўлликлар яхши танишди.

Ешгим ўғай она, ўғай ота уйда сарсонгарчиликда, сўнг "Болалар уйда" ўтди. У ердан катта ҳаёт осмонига учирма бўлгач, пойтхатга отландим. Мақсадим ўқишга кириш, ўз ҳаёт йўлини танлаб олиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш эди. Биринчи йили ўқишга киролмадим, устоз ёзувчиларнинг ёрдами билан Янгийўлдаги пойфазал фабрикасига ишга жойлашиб шу ерда қолдим. Фабрикада ишласам-да тез-тез

бирга сенга катта ваъдалар ҳам беролмаймиш, ўғлим. Биз оддий оилалар қатори яшаймиш. Мени ўзим ўқитувчиман, амакинг хизматчи, кичик посёлкада тураимиз. Бир ўғилни уйлантириш, уйлajoйли қилиш кўлимиздан келадди.

- Аяжон, ҳали мени яхши танмай, билмай уйингизга таклиф қилаяспиз. Бир кўчқ қизларингиз бор экан, мен кўчадаги бир бола бўлсам, кўркмайсизми?

Ая менга тикилиб қолдилар.  
- Ўғлим, сен бўлгуси ижодкор экансан, шундайми? Мен ҳам

кўрғонининг Нуробод маҳалласида истиқомат қиладиган Ширмон ая ва Қаҳҳор акаларни уйига ўғил бўлиб тутиниб қолишим мени ўзимни янги туғилгандек ҳис қилишимга, ҳаётга ўзгача кўз билан, янада бўзлароқ қарашимга ёрдам берди, йўл-ўйриқ кўрсатдилар. Меҳр-оқибат туйғуларини уйғотиб, ким қандайлигини танита бошладилар. Онажоним Ширмон ая мени ўғил қилиб олиш билан кифояланг қолганлари йўқ, мени қайта тарбияладилар, тўғри йўлга бошлаб ҳаётни ўргатдилар. Неки ноҳўя

бошлади. Уни ўчириш учун жонжаҳдимиз билан кураша бошладим. Ичкаридаги газ билан светни ўчириш учун ошхонага кириб кетдим. Бир амаллаб газни ўчириб чиқаётганимда онамни овози эшитилди.

- Дилшодим қани, Дилшодим, войдод, ёрдам беринглар, ўғилгинам ёниб кетди, ёрдам беринглар, - деб ёрдамга қақира бошладилар.

Югуриб қикдим, юзларимни бироз қорайган ҳолда кўриб кела солиб мени бағриларига босдилар.

- Вой мени «ахмоқинам», нима қиласан ичкарига кириб, индама, майли, уй ёнса ёнсин болам, сен аралашма, эндигина ўғлимни топдим деганда яна айрилиб қолмай сендан.

Ширмон аям ўша кунни ҳар қанча алдамайин, ҳар қанча типирчиламайин бағриларидан кўйиб юбормадилар.

...Тошкентга, иш жойимга ўз онам излаб келдилар, туққан онамниқига борадиган бўлдим. Шу орада тоғамни қизига ошиқ бўлиб унга уйланадиган бўлдим. Тоғам, онам тўйни Каттакўрғонда қиладиган бўлишди, мен эса Янгийўлда бўлади дедим. Улар кўнишмади.

- Агар Янгийўлда тўй бўлади-кан бўлса, қайтиб бу ерларга келиб юрма, - деди онам. - Мени сендек ўғлим йўқ, оқ қиламан сени. Онамни бу сўзлари мени узоқ уйлантириб қўйди. Нима қилай, ўз туққан онам мени оқ қилса қандай яшайман?

Минг изтироб, алам, дард билан Ширмон онамга бўлган воқеани сўзлаб бердим.  
- Ўғлим, сени ўзинг бошидан онангини олдиға бориб нотўғри қилгансан. Майли энди, барибир ўз онангини толиб кетаркансан, мен сени... - Ширмон онам кўзларидаги ёшни артаркан сочларини силаб бағриларига босдилар. - Тўғри, инсон ўз туққан онаси билан бирга бўлиши керак, сен ҳам ўз онанга талпингансан, мен бу ерда умид билан юрган эканман.

- Ундай деман ая, мен сиздан кўп меҳр кўрдим, ҳатто ўз онамдан-да зиёд кўраман сизни, майли, агар хоҳласангиз умуман Каттакўрғонга кетмайман, фақат сиз ҳам мени тушуниб, ўз онамга оқ бўлишдан даҳшатлироқ нарса йўқ. Сиз онасиз, бориб онамдан мени ўзингизга сўраб олиб келинг, бир умр сиз билан қолам, майли севган қизимдан ҳам кечаман.

Ширмон аям кўзимдаги ёшларни сидириб ташларкан:

- Бу гапларни бошқа гапирмай ўғлим, ўз онагдан ҳам, севган қизингдан ҳам сени айириб гуноҳга ботмайин, майли, ўз қариндошларинг билан бирга бўл. Йигит кишини севган ёридан айиришдан катта гуноҳ йўқ бу дунёда. Мени фақат унутмасанг бўлди.

Ширмон аям йиғладилар. Била-

### ОНА - МУҚАДДАС ЗОТ

сизми, ўшанда ўзимни қанчалар қойидим. Онани йиғлатиш...

- Аяжон кечиринг мени, кўйинг йиғламанг, бўлди, мен энди умуман у ёқларга бормайман.

- Ундай дема, сен ҳали тўғри айтдинг, ота-онага оқ бўлиш кечирилмас гуноҳ. Бор, майли, уйлантиришсан. Кейин хоҳласанг яна келсан.

- Сиз-чи?

- Мени ҳам орзу-умидим кўп эди. Сени уйлантириш, бутун Янгийўлга овоза қилиб тўй қилиб бериш эди. Бизнинг уйдан фақат қизларим бош эғиб чиқиб эмас, бошқа бир қиз ҳам бош эғиб келишим, онажон деб мени хизматимда бўлишини орзу қилганим.

Ўша кун она-бола анча йиғладик. Мен бу вазиятдан чиқиб кетишни йўлини ҳар қанча уйламайин уддасидан чиқолмадим, ўз онамга, гарчи у менадан бир пайтлар юз ўгирган бўлса-да, оқ бўлиш, дўзахий бўлишни асло хоҳламадим. Лекин... оқ сўт бермаган, гўдак-лигимдан кўтариб тетапока бўлгунимга қадар вояга етказмаган бўлса-да, улғайгач меҳрга зор юрганымда, меҳр кўргазган, ўз оналик меҳрини дариг тутмаган инсон олдиға ҳам улкан қарздор эканлигимни, бу қарздан эса ҳеч қачон қутулмаслигимни, ўз ўғиллик бурчимни, қолаверса инсонийлик вазифамни адо этолмаганим мени изтиробга солар, қалбимда виждон, ор-номус, ирода, бурч дея аталмиш ҳис-туйғулар галаён кўтарганди. Икки ўт ичиде қолган мендек ношуд йигитни ўша дамда ким ҳам тушунарди дейсиз. Қайси онамни ҳафа қилиб кўнглини оғритай, орзуларга тўлиб тошган қалбини қора қилай? Мен ўша вазиятда қоронғуликда адашиб қолганману ёруғликка элтувчи йўлакни тополмай қолганга ўхшардим. Хайрият, мени неча кунлардан бери кузатиб юрган онажоним яна ўзлари менга ҳидоят йўлини кўрсатдилар.

Ҳақиқатда Ширмон аям 53 ёшга қадам қўйдилар. Бу қутлғуларига онажоним ҳамма сингилларини қувёвга узатиб аллақачон ўн еттига неваранинг сууюкли бувижони бўлдилар. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаска керак.

Аяжон сизни табаррук ёшингиз билан чин юракдан табриклияман. Сиздек оналар ботриқига шукур дейман. Сизлар миллатимиз кўрки, шаъни ва ифтихорисиз.

Дилшод КҮЛДОШЕВ

## ШИРМОН ОНАМ МЕНИ

шаҳар газетаси таҳририятига бориб турардим. Хабар, мақолаларим билан қатнашиб, ҳар хил тўғрақларга бориш мен учун бахт эди. "Янгийўл" рўзномасидан Риски она, Марҳабат она ва Шоира она менга ҳамхўрлик ила журналистиканинг бутун сир-асрорларини ўргатишарди. Кейинчалик "Ёш куч" журнаliga тез-тез мақолалар бера бошладим. Шу орада таҳририятнинг бюуртмаси билан "Болалар уйи" ҳақида, яъни ўзим ҳақимда мақола ёзиб бердим. У газетата "Уксик дил фарёди", журналга эса "Ота-онаси ташлаб кетган ёш Шерзоднинг изтироблари" номи билан чиқди. Ўшанда бир онажон мени излаб ётоқхонага бир неча маротаба келган эканлар. Кейин учрашдик.

- Ўғлим, сени тақдирингни ўқиб роса йиғладим, ҳар қандай бағритос онани йиғлатади у мақоланг. Мени 8 нафар қизим бор, ўғлим йўқ, сен ҳақингдаги мақолани улар ҳам ўқиб ҳаммаси бир овоздан: "Аяжон, шу болани олиб келинг, ака қилиб олайлик", - дейишди.

Онанинг гаплари мени қанчалар ўйга толдириганини биласизми? Тўғри, мақола чиққандан буюн бундай оналар, оталар, қизлар ташрифи кўп бўлди, ҳамманинг мақсоди бир эди: мени ўғил қилиб ёки ака қилиб олиш. Мен эса рад этиб келардим. Негадир бу онага рад этишга тилим бормасди. Онанинг фариштакдек чеҳраси, истарасининг исидеги мени дилимни боғлаб олганди.

- Холажон, мен ахир катта йигитман, қандай қилиб...

- Она учун болани катта-кичиги бўлмайди, ўғлим. Мен учун сен ҳалиям жажжи гўдаксан. Майли, мен сени бирдан боришингни айтмайман, бир-икки марта бориб бизни оилани кўр, сингилларинг билан танишинг, сўнг кўнглинг тортса қолишинг мумкин. Биз сени мажбурламаймиз. Шу билан

адабиёт муаллимасиман, кўп нарсани тушунаман. Сени кўлингдан ундай шафқатсизлик келмайди.

- Ая, тўғриси айтсам, мен ўз ҳаётимни ўзим кўрмоқчи эдим.

- Нотўғри уйлайсан болам, ўғил бола учун ҳам бир ота-она керак. Сенга елкадош бўлади, ҳадемай уйланаман десанг, ким совчиликка боради, тўйингни қаерда ўтказасан, ким бош бўлади? Албатта ота-онанг, сингилларинг. Яхшилаб уйлаб кўр ўғлим, балки сени олдингга биздан ҳам бойроқ боласи йўқлар келишган бўлса бизни рад этишинг мумкин, лекин биз бой эмасмиз. Мана бизни адресимиз, кўнглинг тортса боргин, биз сени кутаемиз.

Ая кетгандан кейин бир ҳафта ўтиб улари уйига бордим. Хоғила кириб борарканман худди армиядан қайтган ўғлини қаршилаётгандек хурсанд бўлиб кутуб олишди. Аянинг қизлари ҳам худди акасидек муомалада бўлишлари мени ўзига ром этди. Ҳаёти давомида ота-она, ота-сингил меҳрини кўрмаган ўғил бола учун бу меҳрибонликлар қанчалар таъсир қилишини биласизми? У аёлни мен ўз онамдек қабул қилдим, аяжоним деб қалбимдан жой бердим.

Янгийўл тумани Халқобод

ҳатти-ҳаракат қилган бўлсам нафақат койиш балки вақти келганда уришгача ҳам борган эдилар, лекин кўнглимга олманган ёки бегона аёл нега ураятти деб хафа бўлмаганман. Ҳар гал мени уриш учун супургини олганларида ховли бўйлаб қочганларимни, сингилларим ўртага тушиб мени химоя қилганларини ҳали-ҳали эслаسام кўзларим

ёшланиб, онажонимни эсламан. Ишдан, ўқишдан кеч қолиб келганимда мени кутуб олиб иссиқ чой тутиган, иссиқ овқат олиб келган, иш билан кетиб, ярим тунгача қолиб кетганимда ой ёруғида кўчага чиқиб мени кутиб ўтирган, келавермасам дадамни уйғотиб кўярда-қўймай машинаси билан мени толиб келишни йиғлаб-ёлворган Ширмон аямни ўз онамдан-да зиёд кўриб эсламан. Отам мени тергайвермасалар ўзлари терегаган, баъзида эркалаб бағриларига босган, кечки пайтлари консепт эсиб ўтирганларида тиззаларига бошимни кўйиб ухлаб қолганларимни бир умр унутмайман, онажоним.

Ўша пайтлари беш ёшли сингилчам Барнохоннинг мендан онасини қизганиб йиғлаганида ёки онажоним мени суйиб эркалаганида келиб мендан аясини "тортиб олиши"ни эслаганимда она меҳри бола учун нақадар бебаҳо эканлигини англаб етганман.

Мана, шунга ҳам ўн йилдан охири Ширмон онам ҳозир ҳам Халқобод кўрғонига яшайди, ҳамма сингилларим уйлajoйли.

Ўша йиллари рўй берган бир фожеа менинг ҳаётим саҳифаларига муҳрланиб қолган. Ўшанда газдан ўт чиқиб ошхонамиз ёна

## БАХТИДАН ҲЕЧ КИМ КИМ АЙРИЛМАСИН!

1995 йил бир обрўли хонадонга келин бўлиб тушдим. Оилада қайнона-қайнотам, турмушга чиқиб кетган бир қайнопам ва учта қайиним бор. Ҳасан акам билан биринчи учрашувдаёқ бир-биримизни тушуниб, севдишиб қолдик. Жудаям бахтли эдим. Бирин-кетин фарзандли бўлдик. Биринчиси киз туғилди. Иккинчиси ўғил... Ўшанда оиламизда катта хурсандчилик бўлди. Ҳасан акамни шодлигини тасвирлаб беролмайман. Мен дунёдаги энг бахтли келинман деб юрар эдим. Ҳасан акам фарзандларига жудаям меҳрли эди. Уни ишдан келишини кутиб, интизор

бўлиб дарвоза олдида фарзандларим билан кутиб турардим. Қизим эса дадасини кўриб: "Дадам келяпти, дада" деб югурарди. Кейин ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтириб овқатланар эдик. Шундай бахтли ҳаёт кечираёт-

### Хотира - муқаддас

ганимизда 2000 йил, 15 январ куни кечқурун юрагим гаш бўлиб, безовта бўлди. Ҳасан акам ишдан келмаяпти. Кейин эшитсак, шофёри маст моти-на Ҳасан акамни зарб билан уриб юборибди. Натижада орқа мия билан асфальтга отилиб тушди. Кўл-оёқ, умуртқалари синади. Шофёр шу ерда ташлаб қочиб кетади. Ҳасан акам кўп

қон кетганлиги натижасида ҳаётдан қўз юмади. Бизнинг уйимизга хабар келганда ҳайрон бўлиб қотиб қолдик. "Йўқ-йўқ, ишонмайман, наҳотки ўлади", - дейман. Агар ўша пайтда дўхтирга олиб борганда ўлмасмиди?.. Додласам мени юпатишиб: "Кўй, йиғлама, умри қисқа экан", - дейишди. Эрталаб ишга кулиб чиқиб кетгани, кечқурун эса ўлигини олиб келишди. Мана, шунча вақт ўтганига қарамай ҳар кунни тўрт ойдан ошди ҳалигача кеч бўлиши билан ишдан келадигандек кутаман. Фарзандларим: "Дадам қачон келади", - дейишади, эзиламан, қуя-

ман-ёнаман. Ойим билан дадамнинг фарзанд доғида қоматлари эғилди. Уйимиз хувиллаб қолди. Кечалари тушимга кирармиким десам, кирмайди. Уйимизга кирсам, деворга осиглик фарзандларимиз билан бирга тушган расмимизни кўраман. Қулоғим остида ширин гаплари, кулгулар жаранглайди. Энди мен шу ерда Ҳасан акамни қирогини ёки ўтираман. Бир кам дунё, деганлари шу экан. Ҳеч нарсадан камим йўқ, лекин бугун энди суянган тоғим, бахтим йўқ. Худого шукур, кўрсатган қунига ҳам шукур, ўзи ўғил-киз берди... Фарзандларим менинг суянчигим, қувончим, умидим...

ИРОДА

Чиноз тумани

### СЕВГИЛИНГИЗНИ САБР БИЛАН КУТИНГ

“Уни ташлаб кетолмайман” - 43-сон

**ЭСЛАТМА:** Узимдан 4 ёш кичик йигит - Отабек билан бир-биримизни ёқтириб қолдик. Афсуски, тўйга икки кун қолганда у бир дўстининг тўхмати билан қамалиб қолди. Отабекка жудаям ачинаман, чунки уни қўлидан бундай ишлар келмайди. Уни шу аҳволда ташлаб кетолмайман...

**МОХИРА**

Нотаниш синглим Мохираой, мен сизни газетда қоз этилган қалбингиз ноласини ўқидим-у, шунчалик ўхшаш тақдирлар борлигига қойил қолдим.

Мохираҳон, синглим, мени сизга айтар гапим шунки, сиз барча қўйинчиликларга бардош бериб ўз сеवглингни, яъни Отабекни Кумушбиди бўлиб қутингизга керак. Ишончим комилки, Оллоҳ сизларга келгусида катта бахт инъом этгусидир. Чунки Оллоҳ таоло сабрли бандасини ўз ниятига етказмасдан қўймас.

Отабекнинг бошига шу кунни солган “дўсти” эса қингир, қабиҳ хаёли билан бахт, сеvgи, мухаббат шаробининг таъмини билмай яшаб ўтаверади, негаки, бировнинг бахти эвазига ўз ниятини амалга ошириш бу бахтли бўлиш эмас, ўтакетган нодонликдир.

Синглим, сиз мактубингизда ота-онангиз энди сизни Отабек билан бўладиган тўйларингизга қаршилик қилаётганларини айтибсиз. Сиз бирор марта Отабекдан келган мактувларни онажонингизга ёки келёйинингизга ўқитиб ёки айтиб берганимизга? Ҳеч бўлмаганда ўзингиз юрак сирларингизни ошкор этиб, бор гапни уларга тушунтириб кўрдингизми?

Айтмоқчиман-ки, сиздек комила, оқила, ўз аҳдига содиқ қоладиган

қизни тарбия қилган ота-оналар ўзлари ўстирган нури-дўйдларининг қалбига озор етказиб, уни ўзи севамаган бир кишига турмушга бериб юбориб бир умрга зор қакшаб юришини истамаса керак. Уларнинг кўнглига раҳум-шафқат ўйғониб Отабекни кечиривар деган умиддаман. Аммо булар ҳаммаси биргина сизнинг сабру бардошингизга боғлиқ. Акс холда, укам Отабек ҳам менинг кўйимга тушиб умри армон-у ҳижронда Мажнун бўлиб ўтишига тўғри келади.

Мен Р. исмли қизни севадим. Биз бир-биримизни бир кун кўрма-сақ туролмас эдик. Вақти етиб, мени харбий хизматга қақиривди. 1984 йилнинг баҳорида хизматга кетдим.

Икки йиллик хизматим тугаган, тақдир тақозаси-ю хизматчилик юзасидан яна 6 ой ўша ёқларда қолиб кетдим. Шу ойлор мобайнида эса уйга ҳам, унга ҳам асло хат жўната олмадим.

Хизматим тугаб, уйга қайганимда эса у ота ризиолигини ўйлаб бошқа бировага турмушга чиқиб кетибди. Отаси қизининг кўз ёш қилаётганини кўриб унинг кўнглига таскин бериш учун: “Анчадан бўён ундан хат келмай қўйган. Ўлик-тиригини ҳеч ким билмайди. Энди ундан умидингни уз, у қайтиб келмайди”, -деб мажбурлаб турмушга узаётган экан. Бу воқеани ўз кўлго билан эшитган, шу гапларни гувоҳи бўлган дўгоналари кейинчалик менга сўзлаб беришди.

Биргина шу сўзга қарши боришга, отасига мендан келган охириги мактубини кўрсатишга Р.га ирода топилмабди. Майли, мен ундан хафа эмасман. Аммо бир умр армонда яшаш... Ростини айтсам, уни ҳануз севаман ва буни ҳеч кимдан яшир-

майман. Лекин, на чора, уларга бахт тилаб яшайдан ўзга иложим йўқ. Орадан 14 йил ўтибдики, унга бахт тилаб хижрон тунларида ухлай олмасдан шеърлар ёзмаман. Аммо, юрак қургур бирор фурсат унинг номисиз урмайди. Неча йилдирик, ҳануз дилим кўяди.

**Ваъда айлаб мени ўтга ёқди қиз, Қўлларига тилло узук тақди қиз. Бизни қўйиб кимга**

**қиб ёқди қиз, Ёр-ёр айтманг, жон янгалар, дилим куяр.**

**Орқасида қирқ кокили мисли дор, Пешонада тугмадайин холи бор. Бу сочларни кимларга**

**хор этди, ёр, Ёр-ёр айтманг, жон янгалар, дилим куяр.**

**Севганимнинг кўнгли уй банд экан, Чимилдигин сочаласи**

**қанд экан. Қайга борсам, эшитганим панд экан,**

**Ёр-ёр айтманг, жон янгалар, дилим куяр.**

**Қайда бўлса, майли, унга бахт тилай, Ўзим азобларга**

**гирифтор бўлай. Маҳшарда қақирса, меҳмони бўлай,**

**Ёр-ёр айтманг, жон янгалар, дилим куяр.**

Мохираҳон синглим, яна бир бор сизга сабру тоқат тилайман. Ота-онангизни сизни тўғри тушунишларини истайман.

**Гани МҮМИНОВ**  
**Шаҳрисабз шаҳри**



**Тошкент шаҳри,**  
**Сирғали тумани**

### СИЗ ҲАМ ОППОК ЭМАССИЗ

“Уйда тўй тароддуи, мен эса...” - 44-сон

Малоҳат опа, менинг ёшим 16 да, исми Лобар. Мен сизга насихат қилмоқчимасман.

Лекин опа, сиз аввал-лабор шифокор кўригидан ўтинг, чунки сиз мен покман, дебсиз. Шифокор кўргандан сўнг ўзингиз хулоса чиқариб олинг. Сизни Шерзод ҳеч қачон севамаган. Агар чин дилдан севаганида ота-онасини рози қилиб, сеvgисини учун курашиб, сизга уйлана-р эди. У эса худбинлик қилди. Тўғри, сиз ҳам оппоқ эмассиз. Сиз: “Онам бундай қизларни, яъни мендайларни ёмон кўради”, -дебсиз. Яна қайнона-қайнотамга хизмат қилсам деган орзум бор, дебсиз. Орзу қилган инсон бундай иш қилмаган бўлар эди. Малоҳат опа, шу қилган ишингиз тўғрими? Яна “Шерзоддан ҳомилдор бўлайми?”, -дебсиз. Наҳотки, сиз мустақил фикрлай олмайсиз. Сиз фарзанд тарбиялай олмайсиз! Ўзингизни тарбияланг, азизим, ўзингизни! Айбим нима дебсиз. Сиз катта гуноҳ қилгансиз, қизларнинг бойлигини, ор-номусини, қизлик ифратини сақлай олмагансиз. Айтинг-чи, сизни бундан бўлак яна қандай бойлигингиз, гурурингиз бор эди. Энди сизга маслаҳатим, Шерзодни бутунлай унутиб, Бахтиёр билан бахтли бўлинг. Мен сизга ачинаман, чунки гурурингиз, ақлингиз йўқ экан.

Энди қизларга маслаҳатим - қизларжон, сиз гўзалсиз. Гўзал бўлсин ор-номусингиз, сеving, сеvилинг, ўйлаб, ақл билан, ўзингизга мос, сеvингизга мос инсонни танланг, ишонаманки, бир кун албатта бахтли бўласиз. Лекин сеvgи деб ўқиш-ўрганишни, касб-хунарли бўлишни, ватанимизни асрашни унутмайлик. Ахир келажак бизнинг кўлимизда, шун ҳам ўйлайлик, азизлар.

Малоҳат опа, мен сиз билан суҳбатлашмоқчиман, илтимос, тахририятга кўнгирак қилиб менинг телефон рақамимни олинг-да, менга кўнгирак қилинг, илтимос...

**ЭСЛАТМА:** Шерзод билан дўст тутишиб, сўнг бир-биримизни ёқтириб қолдик. Қуларнинг бирида у ота-ониси менга уйланишига қарши эканлигини, агар ундан ҳомилдор бўлсамгина улар рози бўлиши мумкинлигини айтди. Афсуски, ҳамма қизларда юз берадиган ҳол менда бўлмади. Энди эса уйдагилар мени Бахтиёр деган йигитга узатишмоқчи. Аммо, мен рўй берган воқеаларни ўйлаб, қийналялман...

**МАЛОҲАТ**

**Лобар МИРАЛИЕВА**

### ТУРМУШГА ЕНГИЛ ҚАРАМАНГ

“Турмушдан ажралган аёл айборми?” - 13-сон

Бу дил ихзорини ўқирканман, мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, қизмиз турмушини нега, нима сабабдан бузилганини ёзмадилар. Шундай бўлса-да, ўз муносабатимни билдиришни лозим топдим.

Авалло яхши аёл ҳеч қачон турмушини бузмайди. Ойлага енгил-елпи қараш мумкин эмас. Бир эркакни бошқара олмайдиган аёллар, менинг назаримда таънао-дашномларга маҳкумдилар. Сабртоқатнинг таги олтин бўлади. Турмушдаги хар қандай оғирликларга ҳам, йўқчиликка ҳам, мўл-кўлчиликка ҳам чидаш лозим. Азизларимиздан бири турмуш ўртоғини уриб сынаб кўрган эканлар. Калтак еган хотинлари йилганча, ота-онасиникига эмас, ичкари уйга кириб кетибди.

“Хотинимнинг мақсади мени билан яшаш экан-да. Отасиникига кетганда эди, нияти бошқача бўлар эди”, деб иккинчи бор хотинини хўрламасдан, умр бўйи яхши гапириб, яхши турмуш куриб ўтган эканлар.

Эркак зоти борки, яхши гапнинг гадо-си. Хотини уни хар қандай ҳолатда ҳам самимий кутиб олса, хушмуомалалик билан кўчага кузатиб қўйса, олам гулистон. Бордию, ичкиликка берилса, айб хотини-да. Ичишини юзига солган бўлади ёки қитмирлик қилиб, жанжал чиқаради. Ўртада бир-бирига қасдлашув бошланади. Аёл онасини уйига араз қилиб кетиб қолади. Бир-биридан кечирим сўрашни ор билади. Ўзини банд олади. Гўёки гурури топталиб қоладигандек.

Инадиган эрни йўлга солиш жуда осон. Хотин уни сабабини суриштирсин. Нима учун ичасиз, дардингизни менга айтмасангиз кимга айтасиз, келинг шу ишни ташланг, уни пулига тўйларимизни камини қилайлик, иморат курайлик ёки

**ЭСЛАТМА:** Турмуш муаммолари сабаб оилам бузилганди. Лекин онам бир йўлгига борсалар аёллар шу масалада тўхтаб мен ҳақимда албатта сўз очишаверади. Наҳотки фақат аёлларнинг айби билан оила бузилса?

**Д.**

машина олайлик, деб эрни йўлга солиш мумкин. Ичкиликбозликка бир ойда эмас, йиллар давомида берилиб кетиш мумкин. Кейин уни даволаб бўлмайди. Ўрток касалликка айланиб қолади.

Агар эр фақш ишга берилса, демак бунда ҳам аёли айбдордир. Негаки, умр йўлдошини бошқача кетиб қолмаслигини олдини олмаган. Унга чиройли, хурликлардек бўлиб кўриниш ўрнига ивирсир юрган. Ўзига қарамаган. Бажарадиган ишлари пала-партиш, ёқимсиз бўлиб қолган. Фоҳишага борадиган эр буни ҳеч қачон хотинига айтмайди. Суриштирув-тергов ишларида бу масала оидинлашган. Сиз эрингизни ўзгага қарамаглигини истасангиз, жазманидан кўра кўркам бўлингиз, у олдингиздан жилмайдиган бўлиб қолсин.

Яна бир гап. Ивирсиз ўтирадиган, идиш-товоғини ювуқсиз қолдирадиган, оила ишларида бепарво қарайдиган, жанжал чиқарадиган аёлларни эркаклар ёқтиришмайди.

Турмуш - аёлнинг қўлида бўлиши шарт. Эр кўчани одами. У оилани боқиб, бекам-кўстлигини таъминлашга ҳукм қилинган.

Аёлнинг қўлидан ҳамма иш келади. Одам Атони шайтоннинг олмасини ейишга кўндирган Момо Ҳаводир. Эсларингдан чиқарманглар. Илоё, ҳеч кимнинг турмуши бузилмасин.

**Яйпан**

**ТҶХТАСИН**

### ЭРКАК ХАТОСИДА АЁЛ АЙБИ БОР

“Шу ҳам ўзбекчиликми?” - 1-сон

Уйда бола-чақаси, гулдек хотини бўла туриб, бегона аёлларга “ташриф буюрувчи” эркакларга нима етмас экана?! Ҳақиқатда ҳам эркакнинг уйда гулдек хотини бўлса-ю, у яна бошқа аёллар билан “гаплашиб” юрса, демак унга нимадир камлик қилса керак.

Эрларининг бошқа ёқларга, аниқроғи бошқа аёлларга кетиб қолишдан шубҳаланувчи, балки аниқ билувчи аёлларимиз ана шу “нимадир” устида ҳеч ўйлаб кўришганимиз!

Донишмандлардан бири шундай деган экан: “Агар эринг бошқа аёллар олдига боришини хохламасанг, шундай қилгинки, эринг ҳеч қаерда ўзини сенинг ёнингдигидек ҳис қилмасин”. Гапнинг мағзини чаққан одам бу ишининг уддасидан чиқиб осон эмаслигини англаб олади.

Хар холда бу ишни бажаришнинг ҳаммаси фақатгина аёлга боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Аммо, аёл ўзига боғлиқ қисмини кўнгилдагидек бажариб қўйдиими?

Эри тоза кўйлагини сўраганда, тугмаси узилган кўйлакни узатмади? Ёки ҳали дазмоллаганим йўқ эди, деб жавоб бермади? Ишдан чарчаб келган эр, уйдаги бесаранжомликни кўриб, юраги сиқилиб кўчага чиқиб кетмади? Бир сабаб билан ишдан асаби бузилиб қайтган эрини тинчлантириш, таскин бериш учун икки оғиз ширин сўзини аямади? Ёки аксинча, “Нега менинг олдимга қовоқ-тумшунгизни ослтириб келаяпсиз” деган ноўрин савол билан эрининг ярасига туз сепди? Эрининг доимо ёнида бўлишини хоҳлаган хар бир аёл турмушини мана

**ЭСЛАТМА:** Бизнинг рўпарамиздаги уйда енгил табиатли аёл қизи билан яшарди. Бу гапга ишонмасандик. Бироқ ўша аёлни деб дадам ўн ёшли укамни роса урди. Наҳотки эркаклар оиласи бўла туриб шундай пасткаликка боришса?..

**ОЙДИН**

шу оддий, лекин хар ким ҳам ўйлайвермайдиган ҳақиқати тўғрисида гоҳида ўйлаб кўрса, ўзи учун ҳам, оиласи учун ҳам фойдали иш қилган бўлар эди. Шунда бегона аёллар билан осонгина тил топишиб кетаётган айрим эркаклар ана шундай хатоларга йўл қўймаган бўлар эдилар.

Француз файласуфи Даниэль Дидро: “Эркакнинг хар қандай хатосида аёлнинг айби бор”, деганида эҳтимол ана шундай аёлларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Афсуслар бўлсинки, бугунги кунда орномус ва хаёни пулга, биронта тақинчок ёки кийимга, ҳеч бўлмаганда бир кунлик маишатга алмаштирган аёллар ва ҳаётки қизлар кўпала топилади. Бунга мисол келтиришни ўринсиз деб ҳисоблайман. Ана шу йўлга кирган аёлу эркак борки, ҳаммасида ўзининг қилмишларини оқлаш учун юз хил сабаб-бахонаси бор. Ҳамма гап - жамиятимизда ана шу сабабу бахоналарни топиш ва айтишга ўрин бўлмаслигидир. Бу эса асрлар бўйи тарихда, турмушда давом этиб келаятган бахсу мунозара учун чексиз мавзудир.

Барчангизга ҳурмат-эҳтиром билан  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ,**  
**Бўқа шаҳри**  
**ОРЗУМУРОД**

**Хурматли Исомбек ака ОДИЛБЕКОВ!**

Сизни 6 январь - тушман куниниз, яъни 50 баҳориниз билан таъбриқлаймиз. Сизга Аллоҳдан соғлиқ, бахт, омад тилаймиз.

**Исроилбек Одибековлар оиласи**

**Азиз адажон!**

Шавалхўд куниниз билан кутлаймиз! Бахтимизга ҳамма ботимиз узра кўндек порлаб тузин.

**Дўқ урф кўрини.**

**Кизингиз Мухайё**

**Хурматли онажонимиз ХАЛИМАХОН!**

Сизни 3 январь - кутлу 42 йилнинг билан таъбриқлаймиз. Бахтимизга соғ бўлиб, узоқ урф кўрини.

**Турмуш ўртогингиз, кизингиз Нигорахон, Наргизахон, ўғлингиз Рустам, Умиджон, набирангиз Мухаммад Али. Ташкент шаҳри, А.Икромов тумани**

**КАЙДА ЎЗИ ЎША БАХТ**

Ёшим 26 да. Турмушга чиқмаганман. Ҳозирги кунда ўз мутахассислигим бўйича шахримиздаги корхоналарнинг бирида иқтисодчи бўлиб ишлайман. Мен ҳам бу дунёда севган ёрим ёнида, унга кераклигим ва у учун азизлигимни ҳис қилиб яшагим келади.

Ҳаёт кийинчиликларига бардош бера оладиган, тушунган, ўқимишли, бир инсон бўлсаю, у билан танишиб, бутун умр осуда ҳаёт кечирсам. Шундай одам топилармикин...

**Д.**

**ТИШИМ ҚУРТЛАБ ТУШГАН ЭДИ...**

Бундан бир йил муқаддам куз ойида кўрган тушимда тепа олд тишларим қуртлаб кетибди ва биттаса тушибди. Туш кўраётганимда қандайдир товушлар эшитилди. Уйғониб ўрнимдан турдим. Соат кечаси 2 ярим эди. Мен ётган хонадан қўшни хонага чиқдим. Қарасам, катта оймақлар оламдан ўтибдилар. Кўзларимга ишонгим келмайди. Чунки бир кун олдин мен билан анча гаплашиб ўтиргандилар. Анча тузалиб қолгандек эдилар. Тегаларида адамлар, онамлар, амакилар ва опқим туришган экан. Мен эса тушимни таъбирини дарров кўрганим учун ҳайратда эдим. Бир кун тушимда

да бир таниш аёл ҳомиладор эмиш. Зўрга юриб кетаётганмиш. Мени унга раҳим келиб югуриб бориб кўмаклашдим. Тонг отди, қизим ёнимда ётувди. Бир маҳал ингради. Қўлимни пешонасига олиб борсам, болам бечора ёнапти (мажозий маънода), иситмаси баланд эди. Уша куну кун бўйи иситмаси тушмади. Мазаси қочиб, ухлаганда ҳам алаҳсиради. Шунда амин бўлдимки, тушга ҳомиладор аёл кирса - нохушлик, беморлик экан.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади**

**2 ойлик:**

- 1.Компьютер билимлари.
- 2.Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
- 3.Зардўзлик - буюроча.
- 4.Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
- 5.Аёллар ва эркеклар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

- 1.Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
- 2.Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Тел: 144-03-25, 23-84-15**

**ХИЗМАТЛАР:**

- 1.Компьютер принтерларини таъмирлаш;
- 2.Программалар ўрнатиш, тузиш, замонавийлаштириш.

**Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона. Мўлжал "Алишер Навоий" метро бекати.**

**ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ**

"Яхшидан боғ қолади..." дейдилар. Ёшларга ҳалоллик билан ўрناق бўлаётган ва ишчиларга бўлган эътибори туфайли меҳр қозонган Қанчугай қишлоғидаги 12-авторхонанинг бош директори Сатторов Мухаммадусо ака шундайлардан.

Мен бу инсоннинг шунчаки қишлоқдоши-

ман. Шу инсонга ҳавас қилишиб ҳатто фарзандлари исмини "Мухаммадусо" қўйишгани биланам. Элу-юртга, ҳамқишлоқларига сидқидилдан хизмат қиладиган шундай инсонлар кўпайиб, ило!

**Зайнабхон ЭГАМБЕРДИ қизи Олтиариқ тумани**

**ТАЛАБАЛИК - УНУТИЛМАС ДАВР**

Биз 39 йигит-қиз Ўзбекистон Миллий университети (олдин Ташкент Давлат университети деб номланарди) биология факультетида 1955-1960 йиллар бир курсда таҳсил кўрдик. Талабалик йилларини эслар эканман, юрагимга ажиб бир шавқ қуюлиб келади. Умр - оқар дарё экан. 40 йил давомида биз собиқ курсдошлар бир оиланинг аъзоларидек бир-биримизга янада яқин бўлдик. Шу йиллар давомида тўйларимизда, маъракаларимизда, шод ёналаримизда бир-биримиздан хабар олиб, бир-биримизга эш бўлдик. Орамизда 7 фан доктори, 15 фан номзоди, муаллимлар, ҳаттоки "такси" ҳайдовчиси ҳам бор. Насибхон Иноятова булун "Ўқитувчи" нашриётининг бош муҳаррири, М. Тўйчибоев - Ўзбекистон жисмоний тарбия институти кафедре мудири, Мавлудахон Миргани-

ева - техника фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети биокимё кафедраси мудири М. Валихонов эса биология фанлари доктори, Ҳамза Фуломов - Ўзбекистон энциклопедиясининг табиатшунослик бўлими бошлиғи, профессор А. Ҳамроқулов ва катта ўқитувчи Низомиддинова Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида иш-лашади.

Талабалик давридаги меҳр-оқибатимизни йиллар давомида сақлаб, фарзандларимиз, набиранларимизга тақдим этаялмиш. "Оила ва жамият" рўзномаси орқали барча курсдошларим XXI асрда ҳам соғ-саломат юришларини тилаб қолар эканман, уларга доим бахт, омад ёр бўлсин дейман.

**Собир Дўлта ўғли МАТЁКУБОВ**

**КЕСАКНИНГ ХОСИЯТИ**

Жажигина жияним тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолди. Онаси эмизса ҳам, чой ичирса ҳам йигиси тўхтамади. Бир маҳал онам жиянимни ётқизиб қўйиб, қоринлари атрофини пайпаслаб кўра бошлади. Қарасак, жиянимнинг оёқлари ораси қизариб, сув тўплаб қолибди. Онам келини оҳиста қойириқ, дарҳол тандирдан кесак олиб келишни айтди. Кесакни майдалаб, докага солди ва жиянимни оёқлари орасига суриб чикди. Бир зум ўтар-ўтмас жияним тинчланиб, ухлаб қолди.

Тандир кесакнинг хосияти кўп. Оёқ панжалари орасига сув тўпланиб, қадок бўлган-

да ҳамда бўгинларда оғриқ турганда тандир кесакни тана ҳароратидан биров юқори даражада қиздириб босиш яхши фойда беради.

**АСАЛЛИ МУРЧ ЧОЙ**

Қайноқ сув солиб чайқалган чойнакка 2 чой қошиқда асал, бир чимдим мурч ва таъбга қараб қора чой дамланади. Сўнг чойнакпуш ёки сочқ билан чойнакнинг усти ўраб қўйиб, биров дам едирилади. Бундай чой аксарият шамоллаган кишиларга тез даво топишида қўлланилади.

**Ф.ТОҲИРОВА**

**ПОДПОЛКОВНИК - ЧИНГАЧКУК**

Соттибой ҳарбий хизматдан қайтдию, яна ўша отакасб-деҳқончиликни бошлаб юборди. Бошида ўнгиган дўппи, елкада кетмон, қўшиқ хиргой қилиб гўза оралайди. Бир кун у сув ёқалаб юриб, пастак, паҳса девор ёнига бориб қолди. Шу пайт ноғохон девор ортида қиз болаларнинг қийқирити янграб қолди. Уликка жон ато этувчи бу шўх кулгу Соттибойни қонини жунбушга келтирди. У деворни пайпаслаб, бир ёрик ёрини топди ва девор ортидаги учта шўх, нозик ниҳол, бодом қовоқ, қирмизи дудок, гунчадек ақик лабли дуркун қизларни кўрди. У ширин энтик-

**Ҳангома**

У йўлаб ўтириб, тўсатдан ток ургандек сапчиб турди. Қизлар билан би-ир ҳазиллашгиси келди. У деворга бир тўсатдан иккита катта юлдўз порлаб турса, унга жон деб тегардим.

- Узинг-чи, қандай йигитни севган бўлардинг, Гули? - деб сўради Дилноза.

Гулнора биров ўйланиб турди-да деди:

- Мен спортчиларни ёқтираман. Улар кучли, мард бўлишади. Ёнингда ўшандай йигит бўлса кечаси ҳам кўчада бемалол юраверасан.

Учинчи қиз негадир жимгина ўтирарди.

- Вой, Шохи, нега сен жим ўтирибсан? Қани айт, сен қанақа йигитни яхши кўрасан?, - деб сўраб қолди Дилноза.

- Вой, мен айтгани уяламан, - деди Шоҳиста.

- Айта қол, - деб ялинишди икки дугонаси.

- Ха, майли, айтсам айта қолай. Мен

Гойсу Митичдек матонатли, қатъий, жасур ва жангари йигитни, унинг ижросидаги Чингачқукни жуда ёқтираман! - деди.

Қизлар яна хандон отиб қулишди. Деворнинг бу ёғида уларни кузатиб, тинглаб турган Соттибойни боши қотиб қолди, у гарангсиб деворга суянди. Уйга толди. Уч кизнинг бағи гўзал, барно ва соҳибжамол эди. Улар қолса барисини севгисига сазовор бўлса...

У йўлаб ўтириб, тўсатдан ток ургандек сапчиб турди. Қизлар билан би-ир ҳазиллашгиси келди. У деворга бир тўсатдан иккита катта юлдўз порлаб турса, унга жон деб тегардим.

- Узинг-чи, қандай йигитни севган бўлардинг, Гули? - деб сўради Дилноза.

Гулнора биров ўйланиб турди-да деди:

- Мен спортчиларни ёқтираман. Улар кучли, мард бўлишади. Ёнингда ўшандай йигит бўлса кечаси ҳам кўчада бемалол юраверасан.

Учинчи қиз негадир жимгина ўтирарди.

- Вой, Шохи, нега сен жим ўтирибсан? Қани айт, сен қанақа йигитни яхши кўрасан?, - деб сўраб қолди Дилноза.

- Вой, мен айтгани уяламан, - деди Шоҳиста.

- Айта қол, - деб ялинишди икки дугонаси.

- Ха, майли, айтсам айта қолай. Мен

**ИНСОФ БЕРСА АЖАБ ЭМАС!**

Баъзи қишлоқларда телефон қилиш зарур бўлса, жамоа ҳужалиғи марказига бориб келишади. Буну кўп эшитганимиз учун унча таажжубланмаймиз. "Ха, энди қишлоқчилик-да", деб қўя қоламиз. Аммо, Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган турғуқхонанинг врачлари кўпинча кўнгирак қилиш учун қўшни юқумли касалликлар шифохонасига боришармиш, деган гапни эшитганимизда жуда ажабландик. Бу "миш-миш"га ишонмасдан 3-турғуқхонанинг бош шифоқори У. Файзиева билан сўхбатлашдик.

- Бунга сира ажабланманг, - деди кўйиниб бош шифоқор. - Бизга 48-АТС хизмат кўрсатади. Телефонимиз истаган пайтида ишлайди, истамаган пайтида йўқ. Баъзан кундузи туппа-тузук ишлаб турган телефонимиз ишламай қолади. Биласизки, турғуқхонада табиий равишда кечак кундуз ҳаёт қайнаб тошади. Хар дақиқада бўлажак оналар келтирилади, хар соатда чақалоқлар туғилади. Баъзан оғир ҳолатдаги оналарни олиб келишади. Шунда ҳамкасбларимизнинг ёрдамига муҳтожлик сеза-

миз. Биронта тажрибали врач ёки жарроҳни зудлик билан чақиртиришимизга тўғри келади. Ана шунда ақсига олиб телефон ишламай қолади. Ё бизга кўнгирак қилиша олмайдик, ё биз истаган жойимизга телефон қила олмаймиз. Шу ҳолатимизни эса тасаввур қилаётгандирсиз. Ахир она ва боланинг ҳаёти қил устида турган пайтда хар бир лаҳза биз учун қимматли-да. Беморларимиз ҳаётини сақлаш учун зир югурамиз. Узимизни харёққа уриб телефон излашга мажбур бўламиз. Қандайдир бир қурилиш ташкилоти бўлсак эканки, ишни эрталабгача қолдира олсак... Биз ахир инсонларнинг ҳаётини сақлаш, уларга ёрдам бериш учун қасамбед қилганимиз-ку...

2001 йил юртимизда "Оналар ва болалар йили". Ушбу хосиятли йилда 48-АТС раҳбарлари ўз вазифаларига масъулият билан қараб телефон алоқаларининг сифатли бўлишини таъминлашса, ажаб эмас...

**Басира АКРАМ қизи**

**"Оила ва жамият" ўғитномаси**

- Кўн юпқа еридан йиртилар, ип ингичка еридан узилар.
- Кўлнинг суви тортилса, қурбақа ўлар.
- Кўзи донда бўлган қўшнинг оёғи тузоқдан қутулмас.
- Инсон бир қўшдир: бир кун бор, бир кун йўқ.
- Киши эл-юрт кўзгусидир.
- Одам дали бўлмасдан валий бўлмас.
- Яхши мол ерида сотилар.
- Фавқонинг яхши-ёмони йўқ.
- Эчки ўтган ердан улоғи ҳам ўтар.
- Мушукни қанча урсанг-да кўзи сичқонда бўлар.
- Қалдирғоч келиб-кетар, чумчугимиз бунда қолар.
- Кўрқув тоғни ағдарар.
- Яхши сўхбат майиздан тотли.
- Емак пайти қўлнингни тут, йиғин чоғи тилингни тут.
- Сув оқа-оқа йўлини топар.
- Сўйланмаган сўз яхши.
- Товуқ есанг, эт дема, эшак миниб от дема.
- Бир бармоқ билан тошни ушлаб бўлмас.
- Тозалик -ярим бойлик.
- Улуғлар сўзини тингламаган итдек улийди.
- Озга қаноат қилмаган кўлга етишолмас.

**Тоҳир ҚАХҲОР таржимаси**

## ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАВЕРАРКАН...

Ҳаёт бор экан туғилишу кувонч билан бирга ўлим ва қайғу ҳам бор. Инсон ҳам-масига чидаб яшайвераркан.

Бизнинг оиламиз бошига ҳеч эсдан чикмайдиган, юракларни ўртаб, куну-тун тинчлик бермайдиган тушқунлик тушди. Қоғоз олиб ёзишга мажбур бўлдим, зора озгина бўлсам аламимдан чиқсам, зора ўша қилғиликни қилиб, ҳеч нарса-ни ўйламай яшаб юрганларга етиб бо-риб, қилган ишларидан пушаймон бўлсалар...

Гапнинг қисқаси, мен иккинчи қизим-ни Чиноз туманига узатдим. 1995 йил 2 декабрда тўй бўлди. "Шаҳарда туғилиб-ўсган қиз қишлоқ жойда қандай яшаб кетар экан?" - деб ўйлаб роса сиқилдим. Аммо қизим тушган оиласига тезда ўр-ганиб, "яхши келин" деган ном олди. Қу-дам, кўни-кўшчилар у ҳақда кўп яхши сўзлар айтишар эди, мен бундан жуда хурсанд эдим. Лекин хурсандчилигим кўлга бормасди. Куёвим Дониёр 1996 йил 20 ёшида оламдан ўтди, уни ўлдириш-ди. Дониёр кудамнинг ёлғиз ўгли, олай-ғоҳда ўқиб юрган пайтида оламдан ўтди. 1995 йил феврал ойида, ҳали менинг қизимга уйланмаган пайтида икки ўртоғи билан кеч соат 4-5 ларда Гулба-ҳор посёлкасига кетди. Бекатда тўртта йигит бир қизни турқилаб, четга тор-тишга уринаётган пайтда Дониёр ўртага тушади ва қизга ёрдам беради. У қиз ҳамқишлоғи бўлиб, бу ерга меҳмонга келган экан. Дониёрнинг ёнидаги дўстлари қочиб қолишди, халиги тўрт йигит Дониёрни дўппослаб уриб, арма-тура билан елкасидаги катта қизил хол-

ни ёриб, қоп-қора қонга белаб, қочиб ке-тишади. Холсизланиб қолган Дониёр хушидан кетади. Унга ҳеч ким ёрдам бер-майди, ўзига келиб елкасидаги қонлар-ни ювиб уйига келади. Ҳеч кимга ҳеч нар-са демайди. Ўқишга қатнаб юрверарди. Кейинчалик иситма кўтарилди, холи ярага айланиб, без ташлайди. Оғриққа чидай олмай онасига айтади ва шифокорга му-рожаат қилишади. Тошкент шаҳрига ши-фохонага ётқизирилиб, жарроҳлик йўли бил-ан яра дарҳол олиб ташланади. Унга уйга руҳсат берилади. Ёлғиз ўглини уйдаги-лар уйлантириш ҳаракатига тушишади. Танишимиз орқали қизимга совчи қўйи-шади. Икки ёш бир-бирларини қўриб, ёқтириб қолганлари учун нон синдири-либ, тўй белгиланади. Тўйдан кейин апр-ел ойида Дониёрнинг мазаси қочиб, яна аввалги шифохонада 20 кун даволанади. Уйга қайтгандан кейин 4-5 кун ўтиб, До-ниёр ётиб қолади ва шу ётганида оёққа турмайди. Ушанда баҳор пайти, қизим Тошкентга қатнаб имтихон топшириб, ўқишни битираётган кезлари эди. До-ниёр ётган жойида уни пойлаганлари, деворда бир соат, қўлида яна бир соат, ҳар бир дақиқа қизимни қутиб: "У энди келмайди, ота-онаси юбормайди..." - дея йиғлаганлари, унга дори-дармонлар бер-иб, уқол қилиб ўтирган холасига: "Хо-лажон, яна икки ой ўлмай турсам, болом-ни кўрсам, кейин ўлсам ҳам майли", - де-ганлари, ота-онаси қўриб қолмасин дея, кўз ёшини артиб, ҳеч нарса бўлмаган-дай, қулиб уларга мурожаат қилганан-дай, хуллас, қайси бирини ёзай?... Шу ётга-нича икки ярим ой

ётиб, 1996 йил 28 июнда оламдан ўтди. Ўлишидан икки кун олдин мени қақир-тирди, ёнига кирдим. Куёвимни икки ҳафтадан буён кўрмаган эдим. Тўладан келган, гавдали, чиройли йигит буткул ўзини олдириб, озиб кетганди. Пешона-сини силаб: «Дониёр, қалайсиз, тузук-мисиз», - десам, кўзига ёш олиб: "Йўқ, мен энди яхши бўлмайман, онажон, Фери-зани, боломни асранг", - деганлари беш йилдан бери қулоғим остидан кетмайди. Ота-она ёлғиз фарзандидан, ёш келин-кал севган ёридан, туғилмаган бола ота-сидан айрилди. Бу жудаликка қандай чи-дашимиз керак?... Қизим эри ўлгандан кейин касал бўлиб қолди. Шифохонага мурожаат қилиб, болани зўрга омон са-қлаб қолдик. Қизимнинг аҳолига қуйган ота сиқилиб, инфаркт бўлиб шифохонага ётқизилди. Ўзи қуйиб, нима қилишини билмай юрган қизим отасининг касал бўлганига чидай олмай мuddатидан ол-дин кўзи ёрди. Ота-бола шифохонада - ҳар кун икки марта отасига, икки мар-та боласига қатнайман. Ўша пайтда қўли-дан келган ёрдамни аямай, ширин сўз билан дардига малҳам бўлган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги бирин-чи клиник шифохонаси шифокорларига катта раҳмат.

Атаб қўйган суюнчини шифокорларга берсам: "Йўқ, керак эмас, қизингизга, неварангизга ишлатинг", - деганлари ке-чагини эсимда. Мен уларга: "Неварам-ни отаси бўлмаса, додаси бор, мен ва тоғалари бор", - деб ҳам қувониб ҳам ку-ёвимнинг ёш кетганини ўйлаб эзилди йиғлаганим эсимдан

чиқадими? Худо насиб этиб, 16 сент-ябрда неварам тўрт ёшга тўлди. Вақт ҳамма нарсага даъвоси, дейишади. Лекин тили чиқиб, катта одамдай савол берган неварамнинг саволларига жавоб йўқ, даъво йўқ. Хар қуни боғчадан ке-лаётганда онасига: "Нега менинг дадам келмайди? Нега мени дадам парқа олиб бормайди? Қани дадам?" - дейди. Бир қуни мен: "Дадамг узок шаҳарда ўқишда, самолётда келади ўқиши ту-гаса", - деган эдим. Шундан бери само-лёт товуши эшитилса бўлди: "Ура, ме-нинг Дониёр дадам келяпти. Менга кўп совгалар олиб келади", - дея қувонади. Самолёт учиб кетса: "Уф, дадам яна кел-мади", - дейди.

Қани жавоб? Нима дейишим керак? "Бо-лам, дадангни номардлар ўлдирилар, энди дадамг келмайди", - деб унинг ёш, беғубор кўнглини ўқитиб қўймасмикан-ман, деб кўп сиқилман. Ўша виждонсиз-ларнинг ҳам боласи, хотини, онаси бор-дир, қилган ишидан пушаймонмикан?

"Ушанда биз урган йигитга нима бўлди экан", - дея биронтасининг бир марта бўлса ҳам эсига тушганмикан? Қочиб кет-ган икки дўсти-чи? Улар ҳозир уйлан-ган, бир-икки боланинг отаси, болала-рини суйиб, эрқалатиб юришишди. Ме-нинг неварам ҳар қуни дадасини қутиб билан банд... Йигирма ёшида бева қолиб, фарзанди саволларига жавоб то-полмаган қизимнинг юраги оғриб, тез-тез мазаси қочиб қолади. Қудаларимиз-ни эсдан чиқарганимиз йўқ. Тез-тез бориб ҳол-аҳвол сўраб турамиз, неварам-ни 5-6 кунга бувисининг олдига олиб бориб келамиз. Мана, азизлар, шуна-қаси ҳам бўлар экан ҳаётда...

ФАРИДА

Тошкент шаҳри

### Дил наҳори

## ФАРЗАНДЛАР ЁНИНГИЗДА БАХТЛИМИ

Биз оилада 5 нафар фар-зандимиз, 3 ўғил ва икки қиз-имиз. Отамиз акамни уйлан-тириб мени турмушга бер-дилар. Бир акам, бир укам ва синглим қолишди. Ке-йин дадам худодан бўлди-ми ёки бандасиданми онамларни ташлаб кетди-лар. Онам 3 маротаба Ҳасан-Хусан туққанлар. Ле-кин ҳар бирини шериги ўлган. Ким онамни уч ма-ротаба Ҳасан-Хусан кўрган-ларини эшитса, табаррук аёл экансиз дейди. Шундай табаррук аёлни ташлаб, отам эрдан ажрашган бир болали хотинга уйланиб олди. Энди онамни, ака-укаларимни кўрган қийин-чиликларини ёзсам бир дoston бўлади. Ота-онам аҳил, оиламиз тинч эди. Би-ров кўрса ҳавас қиладиган оила эди.

Ҳозир эркакларга нима бўлди, куда-андали бўлган-

да ўз хотини, бола-чақасини ташлаб кетишяпти, ёш бўлишганда эди ёш десак. Мен фақат эркакларни айб-лай олмайман, айтишди-ку «ғунажин кўзини сузмаса, бука ипини узмайди», деб. Мана, «Оила ва жамият» рўзномасига ҳам оилали эр-какни севиб қолдим, дуго-намни эрини севдим, менга маслаҳат беринг деб ёзиша-ди. Уйли-жоили эркакларни бўйинига осилиб олган хотин-ларни эшитамиз. Нима учун уларга жазо қўлланилмайди. Қани энди мени қўлимда бўлса-ю бировни оиласини бузадиган фоҳишаларни қат-тиқ жазолардим. Бу шунадй жазо бўлардики, у аёл умр бўйи қийналиб юрарди.

Отам ташлаб кетганига мана 7 йил бўлди. Акам майли-ку, лекин укам билан синглим балағат ёшига етишмаган эди. Шу гўдакларнинг холи-дан бир маротаба хабар ол-

мадилар адам. Ота дейишга ҳам тил бормайди. Худоба шукр, онам анча ўзларини тиклаб олдилар. Акам ҳам ота, ҳам акалик қилиб келмоқдалар. Яқин кунларда синглимни турмуш-га беришяпти. Синглим 17 ёшга тўлди. Лекин ота меҳ-рига тўймади. Илоё ботган жойида тиниб-тинчиб кетсин. Қайнотасидан кўрсин ўз ота-сидан кўрмаган оталик меҳ-рини.

Мен онамни бахтимизга соғ-саломат бўлишларини, бизларни роҳатимизни кўриб узок йиллар яшашла-рини тилайман. Онажон ҳамма қийинчиликлар ўтиб кетади. Отамиз ташлаб кет-гани билан сиз барибир бахтли эялсиз, чунки бола-ларингиз, набираларингиз ёнингизда.

З.А.

Тошкент

## ОТА МЕҲРИ ҲАМ КЕРАК ЭКАН!

22 ёшимда турмушга чиққач, эрим-нинг талаби билан аввало ишимни ташладим, у мени рашқ қиларди. Қан-ча туштутирсам ҳам фойдаси бўлма-ди. Оиламни сақлаб қолиш учун гоҳо артист ҳам бўлдим, гоҳо ёлвордим, ти-нимсиз ишладим. Менинг онам, поч-чаларим ҳар доим эримга насихат қилишарди. Шунга қарамасдан эрим бир қуни мени арзимаган нарса ни баҳона қилиб қаттиқ калтаклади. Мен бир ярим ёшли қизчамни олиб уйга, онамниқига аразлаб кетдим. Эрим ор-қамдан борғач, уни роса қойишди. Мени қайта юбормасликларини ай-тишди. У: "Энди хотинимни урмай-ман, сўкмайман", - дея ваъдалар бе-риб мени олиб кетди. Бир йиллар ча-маси яхши яшаганимиздан кейин яна ўша ҳол қайтарилди. Қайнопамнинг уйига туғилган кунга кетаётгандик. Эрим қайдандир ичиб келди. У мени урмоқчи бўлиб бостириб кела бош-лади. Мен эса спортнинг "карата" тури билан шуғулланганим боис унга чап бериб, ўзини уриб уйдан қочиб чи-қиб кетдим. Шундан кейин у мен бил-ан ярашмоқчи бўлганида мен опа-ларимга: "У билан ярашгандан кўра ўлганим яхши", - деб айтдим. Орадан анча вақт ўтди. Ўғлим тўрт ёшга тўлган қуни эрим келиб ялинди. Фарзанд-ларимни ўйлаб у билан ярашдим.

Орадан кўп ўтмай яна уришиб қол-дик. Бу гал у чойнак билан уриб бо-шимни ёрди. Онам билан опаларим бу воқеани эшитиб етиб келишди. Мен эса йилга: "Энди эрим билан яшамайман", - деб туриб олдим. Эримдан жуда қўрқиб қолгандим. Шунда эрим ўзича мендан хафа ҳам бўлди. Мени жудаям севишини ай-ди. Опамнинг бундан жаҳли чиқди: "Э, бу ўзи қанақа севги ахир. Сиз лўлимидингизки, севгингизни уриб-сўкиб намоиш этсангиз? Ахир бу аёл фарзандларингизнинг онаси-ку, уни шунчалик ҳам ҳўрлайсизми? Хотинин-

гизга ишонмасангиз, фарзандларин-гиз олдидаги оталик бурчини оқла-масангиз, сизга қандай қилиб ишо-найлик? Бир-бирингизни қийнаб яшагандан кўра тинчгина ажрашиб қўя қолинглар", - деди онам. Хул-лас, оиламни сақлаш учун шунача уринсам-да, беҳуда рашқ туфайли гўлдек оиламиз барбод бўлди.

Шундан буён ўтган етти йил ичи-да ўзимни ўтга-чўққа уриб, рўзгор тебратдим. Оиламиздаги камчилик-ларни бут бўлишига интилдим. Тўғри, ўғлим ва қизим билан тинч-гина яшайман. Эримнинг калтакла-ридан ҳам қутулдим. Лекин... Дунё-нинг бошқа бир кемтиқларига дўч келганимни энди-энди англадим.

Ажрашмоқ осон экан... Мен ажраш-гач, ўзимни шу икки боланинг бах-ту саодатига бахш этгандим. Шулар билан тинчгина, бахтли яшайман-деб ўйлагандим. Энди билсам, хато қилган эканман. Нега деганда, улар учун барча яхши шароитни муҳайё қилсам-да, кўнгилларида бир кем-тик пайдо бўлишига сабабчи бўлиб-ман. Менга ҳеч нарса айтишмасам-да, уларнинг нигоҳларида қандайдир мунг кўраман. Уларнинг беғубор кўнгиллари эса барибир отасини қўйсаркан, отасига талпинавераркан. Уйланиб қоламан, биз катталар баъ-зан фақат ўз тинчимизни ўйлаб фарзандларимизга жабр қилмаеп-мизмикан? Фарзандларимизнинг тўла бахтли бўлишлари учун ота меҳри худаям зарурга ўхшайди. Ас ҳолда уларнинг қўнгли кемтик, боши агик бўлиб қолишар экан. Шу-ларни ўйлаб аёл - она деганлари турмуш қийинчиликларини қаноат ва сабр билан енгиб яшаши керак экан, деган хулосага келдим. Сиз нима дейсиз?

Гуллола ЖОНТЕМИРОВА

Тошкент шаҳри

## ҚАЛБАКИ МУҲАББАТ

Дарс тугагандан кейин ётоқхонага қайтдим. Яқин-лаша туриб эса сумкамни кўздан кечириб қалитни биттасини олиш ёдимдан кўтарилганини эсладим. Нима қилишни билмай ётоқхона олдидаги скамей-қалардан бирига келиб ўтирдим. Ёнимга бир йигит келиб мендан: "Яхши қиз, исмингиз нима?" - деб сўра-ди.

- Исмин йўқ, - дея жавоб қилдим мен.

- Э, нима, сизга исм қўйишмаганими? - ҳайрон бўлди йигит.

- Исм қўйиш эсларидан чи-

қиб қолган, - дея ҳазил қилиб қўяқолдим. Мен ундан исми-ни сўрасам у: "Мени исмин Акмал", - деди. У билан би-ров гаплашиб ўтирдик. Гап орасида у мендан: "Менга бирорта қизни кўндириб бе-ринг", - деб илтимос қила бошлади.

- Узингиз топмадингизми, иккинчи курс экансиз?, - дедим.

Лекин зум ўтмай унга бу са-волни берганимга пушай-монлар едим.

- Яхши кўрган қизим бор, яна битта бўлса яхши бўлар-ди, - деди у. Бу гапни эши-тиб оғзим ланг очилиб қол-

ди. Нега қизлар йигитларга эрмак бўлиши керак экан?

Азиз қизларжон, бундай йи-гитларга ишонманг. Акмал қабри йигитлар бир кунмас бир кун ботқоқликка итариб юбориши ҳеч гап эмас. Би-ровни севиб у билан бахт-ли бўлишни истасангиз, ав-вал унинг қандай одамлиги-ни суриштиринг.

Менимча, ҳар бир қиз бахт-ли бўлишни хоҳлайди. Ўз бахтига зомин бўлишни ис-тамаган одам ақл билан иш тутайди. Барча қизларнинг бахтли бўлишини тилаб қолувчи

Шаҳноза САТТОВА

## ЭРНИНГ «ЭТИГНИ» ЕЧИШ...

"Эр қилиш осон, этигини ечиш қийин", - деб кўярдилар раҳматли бувим. Бувимларнинг бу ҳикмат тўла гапларини маъносига эса энди етаётирман. Кўз ўнгимда эркакнинг кўпол, чангага ёки лойга ботган этикларини ечаётган нозик бармоқлар келарди. Йўқ, мен оғир этикларни қийдиган эркакка турмушга чиқмайман, деб кўярдим ичимда.

Ҳа, ҳаммамиз эримиз ишдан келса, ҳузурига қулиб чошиб чиқамиз. Олиб келган харидларини ёки анвойи гулларини раҳмат дея қўлидан оламиз. Борингки, костюмини илдириб қўямиз. Аммо, пойфазалини ечиб қўямизми? Йўқ, баъзан унда-бунда, бир йилда бир марта-ей. Чунки, эрнинг этигини ечаётган пайтимиз биз бир поғона паст эканлигимизни ҳис этишимиз даркор.

Пойфазалини тозалаш учун қандайдир яширин меҳр, ҳеч кимга кўрсатилмаган самимият, алоҳида эътибор лозим бўлади. Том маънода эгилмок керак бўлади. Тўғри, бувим эрнинг «этигини ечиш-қийин» деган сўзни айтиш орқали бутун бир ҳаёт қийинчиликларини шу битта сўзга жойлаштирганлар.

Турмуш турли жумбоқларга тўла, одамлар мураккаб деймиш. Аслида шундаймикен. Ҳозирги кунда ажралиш учун ариза берган оилаларни ишини дастлаб кўриб чиқиш маҳалла хотин-қизлар кенгашига, маҳалла фуқаролар йиғинига топширилмокда. Шундай пайтда муқаддас оила-кичик мамлакат «йўқ» бўлиб кетмаслиги учун виждонинг ҳаракатга келади. Дастлаб ажралишга ариза берган келинчақни эшитамиз.

- Эрим ёмон эмас, аммо уйдагилари: қайнона, укалари, сингиллари мени чиқиштирмайди. Ҳатто судга ариза берганимни билиб туриб ҳам биронтаси илтимос, бундай қилма, дегани йўқ. Менинг назаримда эрим билан алоҳида бошқа жойда яшасак бахтли бўламан.

Энди кўёв болани эшитамиз:  
- Уйдагиларни ҳурмат қилимайди. Сингилларим кюр ювларам, хотиним меники билан ўзиникини ажратиб дазмоллайди. Ҳамма телевизор кўрса, у чой ичишга қиради. Сабаби, овқатланаётганда отам йўталиб қолса, хотинимнинг иштаҳаси бузилиб кетар экан. Отам кекса одам. Йўталади-да, атайин қилмайди-ку. Алоҳида яшасак ҳам,

бахтли бўлиб кетишимизга кўзим етмайди. Шунинг учун ариза берса ҳам индамиди. Юрагида менга муҳаббат кучли бўлса, аризасини олади, йўқ бўлса менинг ҳам зорим бору зўрим йўқ.

- Синглим, эрингизни яхши дейсиз, ахир шу йигитни ташқаридан бирон киши тарбиялаб бермаган-ку, мурғак пайтда шу хаста онахон бир парча этдан катта қилган-ку. Сиз унинг укаларини, сингилларини ёмон дейсиз, ахир атрофдагиларга, инсониятга меҳр дастлаб шулар даврасида шаклланган-ку. Унинг оиласидагилар бунчалик ёмон бўлса-ю, сизнинг эрингиз бунчалик яхши бўлиши мумкин эмас.

Эрга ҳурмат фақат унинг ўзига гирдиқалаклагингиз билан тугамайди. Эрнинг юрагида сиздан аввал ота-онанинг ўрни бор. Бундан ташқари укалари, сингиллари билан унинг томирида бир хил қон оқади. Битта бешиқда катта бўлган, узоқ йиллардан буён уларнинг меҳр тўла кўзлари, иссиқ юзлари, яхши-ёмон кунда шу азизларининг самимияти билан бирга, бу йигит. Сизни эса бу хонадонга келганингизга бир йил бўлибди. Аризангизни қайтиб олмасангиз, улар сизга ялинмайди. Ва тўғри қилади, чунки хулосани ўзингиз чиқаришингиз керак.

Келинчақ билан кўп гаплашмадим. Судда эри билан ажралади ҳақидаги аризани қайтариб оладими, йўқми виждонига ҳавола қилдим. Яна ҳаёлимдан ўша «Эр қилиш осон, этигини ечиш қийин» деган ҳикматли гап ўтди. Эрнинг ота-онасига, қариндош-уруғига эгилш ҳам унинг этигини ечишдек гап синглим. Чунки сиз эртлага она бўласиз, чакалоқдан беҳиш тулгаларининг ҳиди келади, дейишарди. Ўша гули-гунчаннинг томирларида шу ота авлодининг қони оқади. Сизга кенглик тиламан, кенгликки эрнинг этигини ечишга етсин.

**Менинг бу айтган сўзларим - олтин, Олтиндан кечайин жуфти ҳалолим. Олтинлар тақилган бармоқлар билан Этигини ечай, жуфти ҳалолим. Шу бахтга қулдирман, шу бахтга чўри, Тушиб худбинлигининг тожи-тахтидан. Дедимки, ҳеч аёл жудо бўлмасин, Эрнинг этигини ечиш бахтидан.**

Турмуш сабоқлари

Зулфия МҲИНОВА

## ТҶХТАХОН ДУО ОЛДИ

Пойтуғ шахрининг марказидаги шинам ҳовлида Адолатхон ая беш келин билан яшайди. Келинларнинг ҳаммаси сенменга боришмайди. Бир ҳовли неварра.

Шундай бўлдики, тўрт ўғилга шахарнинг сал чеккароғидан ер олишиб, уйлар тиклади. Аммо тўрттала уйда ҳам чала ишлар кўп. Уйларга газ келгани йўқ. Шу боисданми ҳеч кимнинг янги уйга кўчкиси келмайди. Бизнинг одатимизга кўра ота ҳовлисига кичик ўғил қолиши керак. Адолатхон ая ҳеч қайси ўғлига кўчинглар дея олмайди.

Шундай кунларнинг бирида Адолатхон аянинг эри ундан сўраб қолди:

- Янги қурилган участкаларда одам яшамаса ҳувиллаб фаззини йўқотиб кўяр экан. Қайси келининг билан яшашни хоҳласанг айт. Қолганлар кўчиб чиқисин.

Адолатхон ая келинларини йиғиб шундай деди:

- Сизлар қорним очди деганимда овқат олиб кирасизлар. Қайси бирларингнинг овқатларинг оғзимга ёқса, ўша мен

билан қолади. Шунга розимсизлар?

Келинлар рози бўлишди. Ҳали тушлик бўлмаб туриб, Адолатхон ая айвонга чиқди ва деди:

- Қорним очди! Овқатларинг тайёр бўлса олиб келаверинглар!

Келинларнинг бири бувим мантини хуш кўрарди деб, манти туга бошлади. Бири мастава, бири ширғуроч, бири ош пиширишга тутинишди. Учинчи ўғилнинг келини эса дарров иккита тухумни қуймоқ қилиб иккита иссиқ нон билан қайнонаси олдига олиб келди.

Адолатхон ая қуймоқни еб келинини дуо қилди. Салдан кейин бошқа келинлари ҳам ўзлари пиширган овқатни олиб келиб, унга узатишди. Ҳаммасининг овқати мазали эди. Аммо ҳеч бирини тавбини Тўхтаҳон пиширган қуймоқга ўхшата олмади. Бунинг сабаби қорин очлигида ейилган таомнинг мазаси оғизда қолади. Адолатхон ая Тўхтаҳон билан бир ҳовлида яшайди. Қолган келинлар участкаларга кўчиб чиқишди.

К. НИШОНОВ

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоаси Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдуқарим Раҳимбердиевга падали бузқувори МИРСАИД отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Боши ўтган сонларда

"Нима бўлдикин? Қандай қарорга келишдикин?" - деган ўй-хаёлда кутиб ўтирсам кириб келди. "Нима бўлди, учрашдингми?" - десам, "йўқ", дея жавоб берди. "Нега?" - дедим. «Белгиланган жойга бордим-у, қайтдим. Охириг муҳдатда ўғил-қизларимни ўйладим. Хотинимнинг феъли, нафрати қаттиқ. Ҳозир аччиқлашиб юрган бўлсак ҳам, болаларимни кўргим келса, бемалол бориб кўравераман. Лекин, агар бошқага уйлансам, болаларимни кўрсатмай мендан жудо қилиб қўя қолади. Кейин хотиним ҳам у қадар ёмон аёл эмаслигини дилимдан ўтказдим...» "Ўша хотинингни барибир яхши кўрасан, шекилли. Ўшанга ёпишиб олгансан", - дедим жажлим чиқиб. "Йўқ, гап бунда эмас. Фақат у бошқаларга ўхшаймайди. У қандайдир менга садоқатли. Жураларимдан кўп эшитаман - аёлларнинг хиёнаткорлиги ҳақида. Биз хотиним билан шунча ажрალიшиб яшаб юрамиз-у, лекин шундай пайтларда ҳам у ҳақда, унинг



## БИР АЁЛ САРГУЗАШТИ

юриш-туриши ҳақида атрофдагилардан бирон оғиз гап эшитмайман".

"Энди бечора хотининг рўзғору бола-чакага ўра-лашиб қолган. Сен эса, ёшинг фалон жойга етди-ю ҳали ҳам "яхши кўрмайман", деб у боёқшининг кўнглига озор берганинг берган. Бу феълингни энди ташла. Қараб турсам, бола-чақандан воз кечолмаскансан, ёмон бўлса ҳам ўша хотинингдаги яхши фазилатни бошқалардан тополмаскансан, тақдирга тан бер энди. Бориб кечирим сўраб тавба-тазарру қилиб яшайвергин", - дедим мен. Шундан сўнг бир борганимда туман хотин-қизлар кўмитасидагилар билан яраштирув ишларини амалга оширдик. Укам билан хотини: "Энди бошқа уришмаймиз", - деб сўз бериб қолишди.

Лекин яна бир гап уйга борганимда эшитдимки... Улар яна уришиб қолишибди, яна келин кўч-кўронини кўтариб, уч боласини етаклаб ўз уйига кетибди. Жанжалнинг сабаби... Бир кун келин кўшни қишлоқдаги қариндошиникига тўйга борибди. Тўйдан чиқиб онасини кўргани ўтибди. Уйга сал кечроқ келибди. Табиийки, хонадондаги аёл бажариши керак бўлган ўша кунги ишлар - сигир соғиш, овқат пишириш эрга қолган. Эрга алам қилиб кетган. Эрта саҳарда кичиб кетиб тун қоронғусида ҳориб-чарчаб кириб келган аёлни эркак табиий равишда қовоқ-тумшук, дўқ-пўлиса билан кутиб олган.

- Қайда эдинг, қайларда юрибсан?, деган.

Аёл эса гуноҳини буйнига олиб вазиятни юмшатмоқчи бўлган. Аёллик сиёсатини қўлламакчи бўлган.

- Дадаси, сиз ҳам бинойидек мени рашқ қилишни биларкансиз-а, деган...

Укамиз эса, укамиз эса сигир соғиб, болаларга ош-овқат қилиб олишнинг бир ҳолатга тушиб турган пайти эмасми, бу ноз-фироқли фуқордан эриб-ийиб кетиш ўрнига ёниб бира-тўла алангага айланган:

- Э, сендай эгри-қийишқ хотинни рашқ қилиб мен аҳмоқ бўлибманми... Сени фақат мен чидаб хотин қилиб юрибман. Ўзи рашқ қиладиган жойинг борми? Айт, бўлса? Сенинг бахтинг - болаларинг. Болаларинг бўлмаса мен учун бир тийинга қимматсан!..

Унинг совуқ, кескир сўзлари айна ишонига теккан - аёл шу заҳоти кўч-кўронини йиғиб, болаларини олдига солиб чиққан кетган... Менинг укам эса

Чоршанбадан-чоршанбагача давомли қисса

яна ҳайхотдек ҳовлисига ёлғиз ўзи қолган. Бу ҳолатдан аямининг фиғони кўкка ўрлади: "Э, шу хотин билан турмушинг асли бўлмайдиган экан, қўй ўғлим. Тупургин-да, тупургини қайтиб озгингга олма. Асли шунга уйланма - қўй, деганимда гапга қулоқ солмовдинг. Шуям энди рўзғор бўлдики? Судга бер - ажратиб қўя қолади. «Болаларимни кўзим қиймайди», дейсан, нукул. Болаларинг ҳам бир кун улғайиб ўз кунини кўриб кетаверади. Ҳеч ким бу дунёда жонингга жон бўлмайди. Узингниям ўйла, ахир. Еруғ кун кўрмай ўтиб кетаяпсан-а, бола..."

Эр-хотин яна икки тарафда - на ярашиб яшаб кетишарди, на ажрალიб хаётни янгитдан бошлашарди. Бўйдок юрган эркакка ҳамманнинг кўнгли ачишаркан, ёрдам бергиси келаркан.

Укамни тананганлар-билганлар оилавий ҳаёти тезроқ изга тушиб кетишини чин дилдан иштатар, керак бўлса янгитдан уйланиши учун келинликка номзодлар ҳақида маълумот - тавсия ҳам бериб қўйишарди. Тавсия қилинганларнинг ҳеч бири ёмон эмас, барчаси ўзига яраша чиройли, ҳам маълумотли, ҳам саранжом-саршита қиз-жувонлар...

Қодир ҳар гап улар билан танишган-учрашган бўларди-ю, оқибати эса юқоридагидек натижасиз якунларди.

Қодир ҳар гап болаларини кўзи қиймаслиги, хотинининг пок эканлигини, ўзи ҳам шу ёшигача ҳали хиёнат кўчасига кирмаганлигини алоҳида таъкидларди. Қодир ҳамон оиласининг қайта тикланишига умид боғларди. Охир-оқибат кунларнинг бирида хотини ажрალიш учун судга ариза берибди. Суд уларга яраша ишларини кўзлаб уч ой муҳлат беради. Тагин суд бўлади. Аёл шарт қўяди: "Эрим оёғимга йиқилиб кечирим сўраса, мен ярашининг мумкин. Бўлмаса йўқ..." Табиийки, эр бундай оғир шартга кўнмайди. Суд яна қолдирилади. Улар ҳамон суд орқали ажрашганлари йўқ. Орада 5-6 йил ҳам бекор-бесамар ўтиб кетди. Уч фарзанди билан аёл онасиникида, эр эса ўз ҳовлисига ёлғизликда... Бу орада аям ҳам вафот этдилар. "Мен аямни қаттиқ хафа қилганман", - деди Қодир яқинда келганида. "Нега?" - дея сўрадим. "Ўлимларидан олдинроқ ҳали кўргани бордилар. Дарвозадан мени кирмай туриб, "Қодир, хой Қодир!", - дея чақирдилар. Уйда эдим. Югуриб чиқдим. Саломимга алик олмадилар.

Давоми бор

## Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилганга кўлбаслар таҳлил қилинмайдиган, муаллифларга қайтарилмайдиган, ёзма жавоб қилинмайдиган.

## БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
Қотибият, хатлар: 34-25-46  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

## ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ { яққа обуначилар учун 176  
ташкилотлар учун 177  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г - 1026  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Нашр учун масъул муҳаррир — Фарида ТОҲИРОВА.  
Набатчи — М. СОДИҚОВ.